Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 122 (20. 689) • 1990 йил 30 май, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан

Съезд минбарига

Коммунистлар етакчи бўлаверади

Қатағон ва турғунлик йиллари партия турмуши ленинча нормаларининг оёқ ости қилиниши, социал адолат принципларининг қўпол равишда бузилиши айримлар онгида КПСС ҳақида тескари тасаввурлар туғдирди. «Сталин ундоқ қилган экан, Хрушчевнинг бундай айби бор» қабилидаги айрим шахслар фаолиятига берилаётган баҳоларни бутунлигича партияга ёпиштиришга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар пайтида партия тарихида йўл қўйилган хатоларни рўкач қилиб, коммунист номзодлар обрўсини тўкишга уринганлар ҳам бўлди. Улар Советларда коммунистларнинг салмоғини камайтиришдан манфаатдор кимсалар эди. Энди эса гўё партия ташкилотлари Советларга ҳокимиятни беришни истамаяптилар, Советлардаги раҳбар ўринларни ўзлари эгаллаб оляптилар қабилида гаплар чиқиб қолди.

Аввало, мамлакат ҳаётини демократик изга солиш ташаббускори КПССнинг ўзи бўлганлигини ёддан чиқармайлик. Яқиняқинларда ҳам бўлғуси депутатларнинг ёши, жинси, касби, қўйингки, феъл-атворигача олдиндан белгилаб бериладиган, сайловчиларга эса сайлов қутисига бориб, ягона номзод фамилияси ёзилган бюллетенни ташлаб қўйиш ҳуқуқигина берилган сайловлар бўларди. Шу ўринда ўз шахсий тажрибамдан хулоса чиқаришга тўғри келади. Районлар партия комитетларига юқоридан «сизда чорвадор ёки пахтачилик звеноси бошлиғи депутат бўлиши керак, шундай номзод кўрсатинг» мазмунида кўрсатма келарди. 1984 йилги СССР Олий Советига сайловлар арафасида районимизга «Колхоз агрономини депутат қилиб кўрсатасизлар» деган кўрсатма келди. Мен райкомнинг партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудири бўлиб ишлардим. Бизнинг районда атиги битта колхоз бор, қолганлари совхозлар. Шу боис кўрсатмага биноан шу ягона колхоз агрономининг ҳужжатларини тўғрилаб, юқорига жўнатдик. Меҳнаткашларнинг сайловолди йиғилишларида унинг номзоди СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилди. Кутилмаганда ишкал чиқди: агроном номзоднинг икки марта уйлангани ҳақида обкомга имзосиз хат тушибди. Бирдан текшир-текшир бошланди. Кечагина юзлаб одамлар таклиф этган номзод бир оғиз сўз билан бекор қилинди. Нега бунга йўл қўясан, дея менга қаттиқ партиявий жазо беришди, ишдан бўшатишди. Ана сизга демократия! Кейинчалик эса имзосиз хатнинг асоссизлиги маълум бўлди. Аммо вақт ўтган эди.

Ўша йиллари ана шундай ўта тор элакдан ўтказиб олинган депутатлар партия аппарати қўлида юмшоқ мўмдай нима дейилса маъқуллаб турaверганликлари боиси ҳам шунда эди. Партия Советлар ишидаги юзакичилик, расмиятчилик, бир қолипда ишлашга барҳам бериб, уни жонли, ташаббускор, гўркираб турган ишчи органга айлантиришга раҳнамолик қиляпти. Бугунги расмий, норасмий мухолифлар нима демасин бу, коммунистларнинг хизматидир.

Тўғри, Советларнинг обрўсини кўтариш, партиянинг Советлар ишидаги ўрнини белгилаб олиш борасида ҳали анча ишлар қилиш керак. Масалан, бизнинг қишлоқ Совети ташаббуси билан бошланган айрим ишлар баъзан партия, хўжалик органлари мададига муҳтож бўлиб қоляпти. Қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизиш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун ижрокомнинг интилиши бор-у аммо маблағ етишмайди.

Лекин биз ҳам қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Олтиўртоқ қишлоғида қисқа вақт ичида ҳашар йўли билан чойхона, Тумор қишлоғида медпункт бинолари қурилди. Албатта, Советлар ишини жонлантириш депутатлар, доимий комиссиялар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Қишлоқ Советига сайланган 35 нафар депутатнинг ярмидан кўпи коммунистлардир. Ижроком фаолиятини йўналтириб боришда ҳам улар етакчилик қилишяпти. Советлар ишида коммунистларнинг иштироки, уларнинг авангардлик роли партия съездида муҳокама қилиниши ва тегишли йўл-йўриқлар ишлаб чиқилиши керак, деб ўйлайман. Зеро, ҳозирги пайтда айрим республикалар Олий Советлари ва шаҳарлар Советларида коммунистлар ташаббусни қўлдан бериб қўйишаётгани маълум. Бунга йўл қўймаслик учун Советлардаги коммунист депутатлар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан яқдил позицияга эга бўлишлари ва бу позицияни биргаликда олға суришлари керак. Сессиялар пайтида ягона позициядан четга чиққан коммунист эса, халқ олдида жавобгар бўлиши хусусида КПСС Уставида белгилаб қўйилиши лозим. Бу давр талабидир.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Фрунзе районидаги Қияли қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.

Бағдод районидаги «Большевик» колхози пахтакорлари бу йил 1768 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар майдондан пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олиш учун меҳнат қилишмоқда. Сиз суратда кўриб турган моҳир механизатор Ғуломжон Собиров мана 36 йилдирки, ғўзаларга ишлов беради. Бу йил у ишлаётган коллектив ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишни кўзламоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»

СЪЕЗДОЛДИ АНКЕТАСИ

ХАЛҚҚА ТАЯНИБ...

● 1. СИЗ СЪЕЗДДАН НИМА КУТЯПСИЗ?
● 2. СЪЕЗДГА ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАРИНГИЗ БОР?
● 3. ПАРТИЯ ИШИНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ҲАҚИДАГИ ФИКРИНГИЗ?

Анкета саволларига Тошкент шаҳридаги Октябрь инқилоби номли тепловоз ремонти заводининг ишчиси И. ЮНОШЕВ жавоб беради.



— Ҳозир партиямиз ҳаётида энг нозик ва жўшқин давр. Партия янгиланиб боряпти. Бутун куч ва имкониятларни ана шу ишга сафарбар этишимиз, қайта қуриш даврида тўпланган дастлабки тажрибалардан оқилона фойдаланишимиз лозим. Аммо бу ишларнинг ҳаммаси меҳнаткаш омма ўртасида кенг кўламда тушунтириш, оммавий-сиёсий ишлар билан узвий боғлаб олиб борилмоғи зарур.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам ана шундай тарзда иш юритилмаяпти. Партия комитетлари фаолиятида бўшашувчилик, энг долзарб масалаларни ҳал қилишдаги суст-кашлик барҳам топгани йўқ. Партия ходимларида эса кескин иш юритиш ўрнига иккиланиш, масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчиш устунлик қиляпти. Бу эса турли норасмий уюшмаларга кўпроқ қўл келмоқда. Шу уюшмаларнинг етакчилари аҳолининг қайта қуришнинг дастлабки натижаларидан маълум даражада қониқмаётганлигидан усталик билан фойдаланиб, партияга қарши бузғунчилик фаолиятини кучайтириб юбордилар. Улар очиқдан-очиқ КПССга бўҳтон қилишяпти, унинг бутун тарихини бўяб кўрсатишмоқда, жамики ёмон нарсаларни партия билан боғлаб, ҳокимият учун курашни авж олдириб юбордилар.

Тўғрисини айтганда, бундай вазиятга партия ходимлари, партиянинг раҳбар органлари тайёр эмасдилар. Ана шу сабабли ҳам улар эсанкираб қолишди. Бузғунчиларга қарши жиддий зарба бериш ўрнига мудофаага ўтиб олишди. Модомики, партия қайта қуришни бошлаб ўз хатоларини тан олган экан, у ташаббусни қўлдан бермаслиги ва қайта қуриш йўлидан янада жадалроқ олға бориши лозим.

Мен оддий ишчиман. Ўзим сингари коммунистлар билан партиямизнинг ҳозирги мавқеи ҳақида тез-тез суҳбатлашиб турамиз. Очиғини айтай, одамларнинг фикри шуки, партия комитетлари рўй бераётган ўзгаришларнинг, қийинчиликларнинг моҳиятини аҳолига очиқ-ойдин, изчил тушунтиришлари, қайси йўлдан боришимизни равшан кўрсатиб беришлари зарур. Оддий халқ ана шуни талаб қилмоқда, сиёсий вазият тез-тез ўзгариб турган, мамлакат тақдири учун муҳим қонунлар ва қарорлар қабул қилинаётган ҳозирги шароитда кўпроқ оддий меҳнаткаш халқ билан маслаҳатлашиб, унинг фикр-мулоҳазалари, таклифларига қулоқ солиш жуда ҳам муҳим эканлигини таъкидламоқда.

Шундай ҳам бўляптики, биз — оддий коммунистлар шаҳримизда, жумҳурият ва мамлакатда бўлиб ўтаётган воқеалардан жуда ҳам кечикиб хабар топяпмиз. Ташвиқот-тарғибот, тушунтириш ишларининг, ахборотларнинг етишмаётганлиги ҳам турли миш-мишларнинг авж олишига, одамларда эртанги кунга бўлган ишончсизликнинг кучайишига сабаб бўлаётгани сир эмас. Мен Тошкент шаҳар партия конференциясида сўзга чиқиб, одамлар бугунги куннинг кўпгина масалалари юзасидан коммунистларга, сайлаб қўйиладиган партия органларининг аъзоларига мурожаат қилаётганларини, аммо ахборотнинг етишмаслиги сабабли биз уларнинг — кўпчилигига жавоб беролмаётганимизни айтдим.

Илгари партия ташкилотлари иш фаолиятида яхши бир услуб — агитатор, сиёсий ахборотчи ва сиёсий ташкилотчилар ишини қаттиқ назорат қилиб бориш қарор топганди. Уларнинг самарали ва таъсирчан фаолияти энг зарур бўлган ҳозирги пайтда эса назорат у ёқда турсин ана шу ахборотчи ва ташкилотчиларнинг ўзлари йўқ бўлиб кетди. Ахир, қайта қуриш ва янгиланиш эскича услублардан бир йўла қутилиш керак, дегани эмас-ку? Эски иш тажрибаларида ҳозир ҳам ишимизга фойда берадиган ва фаолиятимиз учун жуда қўл келадиган яхши жиҳатлар ҳам бор эди. Нега энди биз улардан воз кечяпмиз? Бундай шошма-шошарлик мафкура соҳасида ҳозирги нохуш аҳволнинг юзага келишига сабаб бўлмадимикин? Шу ҳақда ҳам чуқур ўйлаб мулоҳаза юритиш керак.

Яна бир муаммо: баъзи раҳбар ходимлар кейинги пайтларда меҳнат жамоаларига жуда ҳам кам келадиган, ишчилар билан онда-сонда учрашадиган бўлиб қолишган. Корхона партия ташкилоти ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар партия раҳбарларини ана шу жиҳатдан қаттиқ танқид қилдилар. Шаҳар партия ва совет раҳбарларининг корхонага келган пайтларида раҳбарлар билан учрашиб кетаверишлари, партия ташкилоти фаолияти билан яқиндан қизиқмаслиги оддий коммунистларда норозилик ҳиссини уйғотяпти. Ҳақиқатан ҳам кабинетдан чиқмай иш юритиш, партия қуйи бўғинларидаги ишнинг аҳволидан шу корхона ва партия ташкилоти раҳбарлари орқалигина танишиш бюрократик-бюруқбозлик усулининг ўзи эмасми? Мен сайлаб қўйиладиган партия органларида кўп йиллар ишлаганман, район ва шаҳар партия комитетлари ходимлари билан ҳозир ҳам тез-тез мулоқот қилиб тураман. Тўғри, уларнинг аксарият қисми ҳалол-пок, виждонли, ўз ишига бутун кучи, вақти ва имкониятини бағишлайдиган кишилардир. Бироқ бюрократ, эскича ишлаш доирасидан четга чиқолмаётган айрим раҳбарларнинг сояси улар устига ҳам тушяпти. Партия сўзининг таъсирчанлиги ўтмаслашиб қолаётгани, партия обрўсига путур етаётгани ҳам бир жиҳатдан ана шу соя сабаблидир.

Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, КПСС Марказий Комитетининг мамлакатдаги барча коммунистларга Очиқ хатидан келиб чиқиб, ҳаддидан ошган, фақат ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган ва шу манфаат учун партияни обрўсизлантириб қўяётган кишилардан ўз сафларимизни тозалаб олишимиз лозим.

Мен юқорида анкета саволларига тартиби билан бирин-кетин жавоб берганим йўқ. Аммо, ана шу саволларга иложи борича мукаммалроқ жавоб қайтаришга ҳаракат қилдим. Ўзбекистон Компартияси XXII съездидан кутаётган барча истак ва талабларим қайта қуриш йўлида дуч келинаётган муаммоларни тезда ҳал этиш, партиянинг тезроқ янгиланишига эришиш, бу йўлда рўй бераётган камчиликларга узил-кесил барҳам берлишини таъминлашдан иборатдир.

СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВнинг

1990 йил 27 майда Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар!

Кейинги вақтларда сиз билан биз телевизор экрани орқали мунтазам учрашиб турибмиз. Бугун ҳам, бу оқшом мен, назаримда, ҳозир ҳаммамизнинг хаёлимизни эгаллаб турган масалага, мавзуга тўхталмоқчиман.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида ҳукуматнинг маърузаси СССР Олий Советида кўриб чиқилаётганлиги муносабати билан мамлакатда хавотирлик, ташвиш кайфияти юзага келди. Ҳамма нарса нақадар атрофлича ва билимдонлик билан пухта ўйланганми-йўқми, ҳозирги вазиятдан қутилишнинг бошқа иложлари борми, бозор иқтисодиётига ўтиш одамларнинг турмуш даражасига қандай таъсир қилади, деган масала кенг муҳокама қилинмоқда. Буларнинг ҳаммасини тушунаман, бу хавотирлик ва безовталикни англайман, чунки жамият турмушининг туб масалалари ҳақида, ҳозир ҳар бир кишига, ҳар бир оилага, барча жумҳуриятларга, барча тоифадаги меҳнаткашларга, пенсионерларга, талабаларга, ўқувчиларга, ҳаммамизга таллуқли бўлган масалалар тўғрисида гап бормоқда.

Давлат раҳбарияти ўз вақтида биз бозорга ўтиш билан алоқадор масалаларга яқинлашганимизда асосий масалаларни албатта умумхалқ муҳокамасига қўямиз, деб ўз вақтида қатъий қилиб айтгани, албатта, эсингизда бўлса керак. Менга мана шу ҳаётий муҳим масалалар хусусида мамлакат Президенти ўз фикрини айтсин, деган илтимослар тушди.

Аввал бозор иқтисодиётига ўтиш ҳақида. Хўш, бу ғоя қачон пайдо бўлган эди. Бу ғоя анчадан бери муҳокама қилинмоқда. Партиямизнинг XXVII съездидаёқ шу ғоя бор эди ва у партия Марказий Комитетининг туб иқтисодий ислоҳот масалаларини муҳокама қилган Пленумида айниқса пухта, асосли равишда далиллаб берилган эди. Айни ўша Пленумда партиягагина эмас, жамиятимизга халқ хўжалигида бозор муносабатларига тадрижий равишда ўтиш зарурлигининг батафсил далил-исботлари тақдим қилинган эди. Бозорга ўтиш зарурати СССР халқ депутатларининг ўтган йил декабрдаги иккинчи Съезди қарорида, ҳукуматнинг совет иқтисодиётини соғломлаштириш дастури кўриб чиқилиб, маъқулланган пайтда давлат йўли билан таъкидланган эди.

Бутуниттифоқ тўлақонли бозорини ҳамда унга кирувчи кичикроқ бозорларни вужудга келтириш — керакли иш. Агар биз иқтисодиётимизни жадал ривожлантирмоқчи бўлсак, агар биз шу негизда одамларнинг турмуш шароитини яхшилашмоқчи бўлсак, жамиятимизда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилмоқчи бўлсак, бу — керакли иш.

Ҳаммамиз мана шундай бўлишини хоҳлаймиз. Шу сабабли мен айтмоқчи бўлган биринчи гап — бундан буёнги мулоҳазаларимнинг марказий илк нуқтасидир. Бизга бозор шунчаки бозор учун эмас, балки, — шуни таъкидлаб айтаман, — иқтисодиётимизни тубдан ислоҳ қилиш, меҳнат жамоаларининг ва ҳар бир ходимнинг, ҳар бир фуқаронинг, умуман регионлар, жумҳуриятлар, ўлкалар, вилоятларнинг ташаббусига, хўжалик мустақиллигига йўл очиш учун, шу тариқа ўз ихтиёримиздаги жуда катта нақд бойликлардан оқилона фойдаланиш ҳамда улардан фойдаланиб ва бозорга таяниб, охир оқибатда нақд ижтимоий-иқтисодий самара олиш учун керак.

(Давоми учинчи бетда).

М. С. Горбачевнинг Канада ва АҚШга давлат ташрифи

29 май куни СССР Президенти М. С. Горбачев давлат ташрифи билан Канада ва АҚШга жўнаб кетди.

М. С. Горбачевга сафарда ҳамроҳлик қилиб, СССР Президентлик Кенгашининг аъзолари Э. А. Шеварднадзе, Ю. Д. Маслюков, Е. М. Примаков, Ю. А. Осипьян, С. С. Шаталин у билан бирга жўнаб кетдилар.

Аэропортда М. С. Горбачевни СССРнинг давлат ва сиёсий раҳбариятининг аъзолари — Л. Н. Зайков, В. А. Крючков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, А. Н. Яковлев, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, А. Н. Гиренко, Е. С. Строев, Г. И. Усмонов, И. Т. Фролов, Ч. Айтматов, В. В. Бакатин, В. И. Болдин, В. Г. Распутин, Г. И. Ревенко, В. А. Ярин, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Канаданинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Д. Тейлор, АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ж. Жойс бор эдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Ўзбекистон ССР аҳолисига озиқ-овқат ва саноат моллари сотишни барқарорлаштиришга доир муваққат чоралар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика истеъмол бозорини барқарор қилиш мақсадида:

1990 йил 30 майдан бошлаб республика территориясида яшовчи аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини паспорт, хизмат гувоҳномаси, студент билети, пенсия гувоҳномаси ҳамда шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга қараб сотиш муваққат тартибини жорий этишга қарор қилди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий шароитлардан ва ажратилган фондлардан келиб чиқиб, республикада яшовчи ҳар бир фуқарога айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини сотиш тартиби ва нормасини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларига ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга молларни сотишнинг олдин белгиланган тартиби сақлаб қолинсин.

Республикага вақтинча (командировка, ҳарбий хизмат, туристик сафар, меҳнат шартномасига доир иш ва бошқа сабаблар билан) келган фуқароларга кундалик эҳтиёж моллари халқ депутатлари маҳаллий Совети тегишли ижроия комитети томонидан белгилаб қўйилган алоҳида рўйхат ва нормага мувофиқ сотилади.

Халқ анъаналари ва удумлари (тўйлар, дафн маросимлари, марҳумлар ҳурмати учун ўтказиладиган маросимлар ва бошқалар) билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш чоғида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва моллар сотиш нормаси кўзда тутилсин.

Харидоргир ашёвий молларни сотиш халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг қарорига мувофиқ амалга оширилсин.

Молларни сотишнинг муваққат тартиби жорий этилиши муносабати билан Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети вужудга келадиган барча масалаларни кўриб чиқсинлар ва ҳал этсинлар, шунингдек моллар белгиланган нормага мувофиқ сотилишини назорат қилиб туришни таъминласинлар.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти комитети, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги, Ўзбекистон Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, вилоят ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо узлуксиз бўлишини таъминлаш учун планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан, шунингдек товар айирбош қилиш йўли билан олинган ресурслардан молларнинг запасларини вужудга келтириш учун зарур чораларни кўрсинлар.

Савдо ташкилотларига ана шу мақсадда норматив товар запасларини кўпайтиришга рухсат этилсин. СССР давлат банки, Ўзбекистон республика банки, ихтисослаштирилган банклар йилига 2 фоиз фойда олиб, нормадан ортиқча моллар запасларига кредит беришни таъминласинлар.

Ўзбекбирлашувга «Центросоюз» йўли билан товар айирбошлаш операциялари орқали олинган радиотелеаппаратлар ва бошқа чет эл молларини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг розилиги билан озиқ-овқат маҳсулотларига ва бинокорлик материалларига алмаштириш учун мамлакатнинг бошқа регионларига юборишга тавсия этилсин. Республика учун ажратиладиган чет эл радиотехникасини 1991 йилдан бошлаб тегишли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари, тикув ва тўқув машиналари, болалар учун чиқарилган товарларга алмаштириш имкониятлари «Центросоюз» билан биргаликда кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари республика кенгаши билан биргаликда истеъмол бозорини барқарорлаштириш юзасидан амалга оширилиадиган тадбирлар муносабати билан республика аҳолисига молларни сотиш тартибига риоя қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, қонунни бузган шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари кўрсинлар.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясида

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг протоколлари асосида ва сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 49- ва 54-моддаларига мувофиқ қуйидаги номзодларни Ўзбекистон ССР халқ депутатлари деб рўйхатга олди:

Мирсаидов Шукрулло Раҳматович, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, 1990 йил 20 май куни Самарқанд область 301-Қорадарё сайлов округидан сайланган;

Муротов Шариф, халқ депутатлари Ҳазорасп район Советининг раиси, Ўзбекистон Компартияси район комитетининг биринчи котиби, КПСС аъзоси, Ҳазорасп шаҳрида яшайди, 1990 йил 27 май куни Хоразм область 463-«Дружба» сайлов округидан сайланган;

Расулов Маҳмуджон Мўминович, Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Наманган шаҳрида яшайди, 1990 йил 20 май куни Наманган область 248-Учқўрғон сайлов округидан сайланган.

Область партия конференцияларида

МУЛОҲАЗАЛАР ЖАНГОВАРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Жиззах

✦ Бу сафар вилоят партия конференцияси янгича услубда ўтди. Унда обкомнинг ҳисобот доклади қилинмади. Маъруза матни олдиндан вилоят газеталарида босилди, партия қуйи бўғинларида муҳокама этилди. Обком жойлардан уч юздан зиёд таклиф ва истаклар, фикр-мулоҳазалар олди. Обкомнинг биринчи котиби Э. Т. Турсунов ўз нутқида ҳисобот доклади юзасидан билдирилган ана шу фикр ва мулоҳазалар, таклифлар ҳақида қисқача ахборот бериш билан уни амалга ошириш борасида нималарга эътибор бериш лозимлигини делегатлар диққатига ҳавола қилди. Ҳисобот матни танқид, ўз-ўзини танқид руҳида тайёрланганлиги, муҳокама ва таҳлил учун вақт етарли бўлганлиги сабабли конференцияда сўзга чиқишни хоҳлаганлар кўп бўлди.

Шуни айтиш керакки, нотиқларнинг аксарият қисми партия ўзининг етакчилик мавқеини йўқотди, ўзи бошлаган қайта қуриш ва янгиланиш жараёнидан орқада қолмоқда, деган қарашларни қатъиян рад этдилар. Коммунистик партиянинг ташкилотчилик ролисиз режалаштирилган вазифаларни амалга ошириб бўлмаслигини аниқ мисоллар билан исботлашга ҳаракат қилдилар. Хўш, КПСС бошлаб берган қайта қуриш жараёнида вилоят партия комитетининг иштироки, авангардлик роли қандай бўлмоқда? Вилоят иқтисодиётини тиклаш, хўжаликка партиявий раҳбарлик, кишиларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш борасида коммунистлар амалга ошираётган ишларни қониқарли деб бўладими?

Сир эмас, вилоятдаги иқтисодий ва ижтимоий соҳалар талаб қилинганидан анча секин ўнгланяпти. Халқ хўжалиги аввалгидек асосан экстенсив йўл билан ривожланмоқда, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, моддий бойликларни тежаш, маҳсулот сифатини яхшилашда кескин бурилиш ясашга эришилмаётир. Ишлаб чиқариш қувватларининг самараси оз. Саноат корхоналарида ҳар йили кўзда тутилганидан 46 миллион сўмлик кам маҳсулот олинмоқда. Ип йигирув, пайпоқ тўқув фабрикалари, «Жиззахнон» бирлашмаси, Ульянов шаҳридаги сопол ва девор ускуналари заводи қувватларидан фақат 25—50 фоиз фойдаланиляпти, холос. Жиззах аккумлятор заводида қувватларнинг бор-йўғи 15 фоизи ишлаб турибди. Мазкур корхоналар партия ташкилотлари котиблари (А. Тўрақулов, С. Жўраев, О. Норхўжаева, Н. Турсунов, Ю. Старожук) коммунистларни мавжуд аҳволни ўнглаш учун сафарбар этишнинг бирор таъсирли чорасини кўрмаётирлар. Ҳар йили вилоятда 20 минг ишчи кучи йўқотилмоқда. Жон бошига саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мамлакат ва жумҳуриятдагига қараганда икки ва беш баравар кам.

Жиззах шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. Соатов ўз сўзида тўғри таъкидлаганидек, қайта қуриш ҳали шиорлардан амалий ишга тўла ўтгани йўқ. Коммунистлар ҳам ҳеч қандай натижа бермайдиган мунозараларга берилиб кетишмоқда. Бундай мунозаралардан бири кадрлар резерви ҳақидаги масаладир. Шу пайтгача янгиланиш даври талаблари асосида кадрларни жой-жойига қўйишнинг аниқ системаси ишлаб чиқилмаган. Қарашлар эса турличадир. Оқибатда бирор жойга раҳбар танлаш лозим бўлса, албатта вилоят ва жумҳуриятдаги идоралар, масъул ходимлар билан маслаҳатлашишга мажбур бўлиняпти. Бу эса ортиқча вақт сарфлаш ва қоғозбозликдан бошқа нарса эмас. «Юқори»нинг аралашуви оқибатида баъзан ишлаб чиқаришдаги раҳбарлик лаво зимларига иқтисодий билимга эга бўлмаган кишилар ҳам тавсия этилаётир.

Нотиқлар обком бюроси, секретариат ва партия комитети бўлимларининг партиявий ишда туб бурилиш ясашга эришолмаётганликларини танқид қилдилар. Жумладан, Мирзачўл район партия комитетининг биринчи котиби Н. А. Мирошниченко савдо ва таъминот тармоқларидаги салбий ҳолатларга ўз вақтида жиддий баҳо берилмаётганлигини айтди. Бу тармоқлар ходимлари ўз мансабларини суиистеъмол қилиш, сунъий равишда етишмовчиликлар келтириб чиқаришни одат тарзига айлантириб олдилар.

Маълумки, омма билан мулоқотда сиёсий, мафкуравий ишнинг нечоғли тўғри ташкил этилиши муҳим роль ўйнайди. Бошланғич партия ташкилотлари жамиятда юз бераётган воқеалар, қайта қуриш жараёнидаги ғоявий курашлар борасида кенг маълумотга эга бўлганларидагина бу ишни пухта ва таъсирчан уюштириш мумкин бўлади. Аммо ҳозирча партия қуйи бўғинлари ҳамиша ҳам бундай ахборотларга эга бўлолмаяптилар. Оддий бир мисол, норасмий уюшмаларни олайлик. Ҳозир бошланғич партия ташкилотлари бундай уюшмаларнинг ҳаракат дастури, амалий ишлари ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар. Аксинча норасмийлар партия ходимларининг сийқаси чиққан, қотиб қолган эскича иш услубларини жуда яхши биладилар. Шунинг учун ҳам жойларда омманинг коммунистларга эмас, ўша норасмийларга эргашиши ҳоллари учраб турибди. Атеистик тарбия хусусида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Партия қуйи бўғинларига жумҳурият ва Иттифоқдаги бундай ҳаракатлар тўғрисида аниқ ахборотлар бериб бориш, юзага келган вазиятдан коммунистларни изчил хабардор қилиш жуда муҳимдир. Ана шунда партиявий-сиёсий ишлардаги йўналиш ва вазифа аниқ бўлади.

— Совхозимизда 15 мингдан знёд аҳоли яшайди, — деди Фориш районидаги Карл Маркс номли совхоз бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобил Алқаров ўз сўзида. — Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фоизи ишсиз. Вилоят партия комитети қишлоқларда йирик саноат корхоналарининг, маҳаллий саноат бошқармаси завод ва фабрикаларининг филиалларини очишга эътибор бериши лозим. Шу ҳақда кўп йиллардан бери таклиф ва истаклар айтиляпти. Раҳбарлар ҳам ваъда бермоқдалар. Бироқ ваъдалар амалга ошмай, қоғозда қолиб кетаётгани Вилоят қишлоқларида жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари йўқ десак бўлади. Касалхоналар, амбулаториялар медицина ускуналари билан етарли жиҳозланмаган. Бундан тўрт йил олдин вилоятда қабул қилинган «Соғломлаштириш» дастури амалга ошмади, деб айтиш мумкин.

Вилоят партия комитети иш фаолиятидаги хато ва камчиликларни таҳлил қилган делегатлар халқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги судралишнинг бир неча сабабларини конференция қатнашчилари эътиборига ҳавола этдилар. Чунончи, вилоятнинг собиқ раҳбарлари Жиззах ва Сирдарё вилоятлари қўшиб юборилиши тўғрисидаги волюнтаристик қарорнинг иштиқболли эмаслигини ўз вақтида исботлаб бера олмадилар. Натижада зўрмазўраки бирлаштирилган вилоят атиги 1,5 йил фаолият кўрсатди, холос. Мана неча ойдирки, иқтисодчилар бундан кўрилган зарарни ҳисоблаш билан бандлар. Халққа, раҳбар ходимларга етказилган маънавий зарар миқдорини эса ҳеч ким аниқлай олмаса керак.

Партия органлари фаолияти самарадорлигининг пасайиб кетишига яна бир сабаб — раҳбар коммунистлар маҳаллий Советларни мустаҳкамлаш, ҳокимият вазифаларининг тўғри тақсимланишига етарлича эътибор бермадилар. Бошқарувнинг янги структураларини шакллантиришга ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатилмади. Шунингдек, партиявий ишда тўла ошкораликнинг таъминланмаганлиги кўпгина ходимларнинг ўз иш фаолиятларини қайта қуриб олишларига халақит берди.

Конференциянинг ўтиши ҳақида баъзи мулоҳазалар. Биз юқорида сўзга чиқишни хоҳлаган оддий коммунист делегатлар кўп бўлганлигини айтдик. Бироқ уларнинг деярли барчасига минбарга чиқиш насиб этмади. Бундай шарафга муяссар бўлган 18 нафар делегатларнинг 15 нафари раҳбар ходим эканлиги таажжубланарлидир. Уларнинг ҳам ярмидан кўпроқ қисми район ва шаҳар партия комитетларида партия учун муҳимдир. Шунингдек, ҳисоботда ёшларнинг кекса авлоддан ажралиб қолаётгани, комсомол ташкилотларининг фаолиятсизлиги сабаблари ҳам таҳлил этилмаган. Кўпчилик коммунистларнинг сиёсий билимлари саёз бўлгани учун улар ғоявий курашларга шай эмас. Партия ходимлари хўжалик, ижтимоий соҳадаги бошқа муаммоларни ўз зиммаларига олганликлари сабабли ҳақиқий партиявий ишдан ажралиб қолмоқдалар. Партиянинг қуйи бўғинлари етакчилари эса асосан ижрочилардир. Шунинг учун ҳам халқ улардан бирор янгилик, ташаббус чиқишига ишонмайди. Қолаверса, биз ўз-ўзимизни ҳаққоний, асосли танқид қилиш билан партиявий ишни янгилаш, сиёсий курашлар жараёнида жамиятда тутган ўрнимизни бериб қўймаслигимиз керак. Бунга айрим ўртоқлар тасаввуридагидек қизил гаплар, кўрсатмалар, ортиқча ваъда-дабдабалар билан эмас, ҳақиқий партиявий ишни кучайтириш йўли билан эришиш керак.

Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳалари ҳам муҳокама этилиб, бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, сўзга чиққан айрим нотиқларнинг таклифи ва делегатларнинг қўллаб-қувватлашига биноан конференцияда Ўзбекистон Компартиясининг бўлажак XXII съездидан жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби, марҳум Ш. Р. Рашидов иш фаолиятига рўй-рост сиёсий баҳо бериш сўралди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига номзод, касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова сўзга чиқди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетинини масъул ходими К. П. Дударев қатнашди.

Конференцияда яширин овоз бериш йўли билан Э. Т. Турсунов вилоят партия комитетининг биринчи котиби, Ю. К. Галкин иккинчи котиб ва бўлим мудири, М. Х. Умаров, Х. А. Аширқулов ва Т. Б. Умурзоқовлар обком котиблари ва бўлим мудирлари этиб сайландилар.

Конференцияда обком ва назорат-тафтиш комиссиясининг янги таркиби, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди ҳамда КПСС XXVIII съездига делегатлар сайланди.

Б. САТТОРОВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПИЛЛАКОРЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Куни кеча редакциямизга икки вилоятдан хушхабар келди. Сурхондарё ва Бухоро областининг азамат пиллакорлари йиллик планни шараф билан бажаришди. Қуйида пиллакорларнинг дастлабки ютуқлари ҳақида ҳикоя қиламиз:

✦ СУРХОНДАРЁ

Вилоят пиллакорлари ушбу мавсумни самарали ўтказишди. Улар эрта кўкламданоқ тутзорлар парваришига алоҳида эътибор беришди. Биноларни ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқариб дезинфекция қилишди. Барча керакли жиҳозлар шайлаб қўйилиб, пиллакорларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароит яратилди. Шу сабабли ҳам ипак қуртлари соғлом ривожланди.

Айниқса, бу йилги шароитда ипак қурти парваришини илм-фан тавсияси ва илғорлар тажрибаси асосида намунали уюштирилганлиги ҳосилдорликни кескин ошириб, унинг сифатини яхшилаш имконини берди.

Вилоят пиллакорлари жумҳуриятимизда биринчи бўлиб йиллик маррани эгаллашди. Давлатга 1112 тонна қимматбаҳо хом ашё сотилди. Ҳар бир қути қурт уруғидан кўзда тутилганидан 6 килограмм кўпроқ ҳосил олинди. Маҳсулот сифати ўтган йилгига нисбатан анча юқори. Хом ашёнинг 91 фоизи юқори навларга қабул қилинди.

Эришилган натижага Ангор, Шўрчи, Ленин йўли ва бошқа районларнинг меҳнаткашлари катта ҳисса қўшдилар. Ленин йўли райони пиллакорларининг ютуғини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Чунки улар жумҳуриятимизда биринчи бўлиб зафар маррасини эгаллашди. Район бўйича 1300 қути қурт уруғидан 58 тонна хом ашё олинди. Райондаги Охунбобоев номли, Ленин номли, Будённий номли хўжаликлар йиллик маррани анча ошириб уддалашди.

Вилоят пиллакорларининг муваффақиятида катта тажрибага эга бўлган «кумуш тола» ижодкорларининг ҳиссаси катта бўлди. Насиба Жовлиева, Саодат Тангирова, Ойсоат Пардаева, Майрам Қўшоқова, Шодмон Эшмуродова, Ойбаланд Бердиева, Қирмиз Омонтурдиева, Менгсоат Ҳамзаева ва бошқа моҳир пиллакорлар ҳар бир қути қурт уруғидан 80—120 килограммдан олий сифатли хом ашё етиштиришди.

Сурхондарёликлар йиллик марра эгалланган бўлса ҳам теримни давом эттирмоқдалар. Улар планга қўшимча равишда яна 200 тонна кумуш тола етказиб беришга аҳд қилишди.

✦ БУХОРО

Вилоятда бу йил пиллакорлар ҳар қачонгидан кўра кўпроқ шижоат билан меҳнат қилишди. Йилнинг дастлабки ҳосили — пилла тайёрлаш ишларига яхши тайёргарлик кўрилгани ўз самарасини берди. Бу йил вилоятдаги кўпчилик колхоз ва совхозларда ипак қуртининг «Андижон-1», «Андижон-2» «Фарғона-2» деб номланган гибридлари ва бошқа навлар парваришланди. Маълумки, бу ипак қуртлари иссиққа ва намликка анча талабчан. Шу сабабли ҳам хоналардаги ҳарорат нормадагидек бўлиши таъминлангани муваффақият келтирди.

Айниқса, пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, фақат юқори сифатли барг олиш учун тутзорлар парвариши кучайтирилгани қўл келди. Барг мутахассислар ва тажрибали пиллакорлар тавсиясига кўра белгиланган вақтда кесилди ва турли биостимуляторлар билан ишлов берилиб, тўйимлилиги ва сифати оширилган ҳолда ипак қуртларига берилди.

Қўрилган бу чора-тадбирлар натижасида вилоят «кумуш тола» ижодкорлари катта ютуққа эришдилар. Улар давлат қабул пунктларига 3824 тонна пилла топширдилар. Айниқса, бу йилги шароитда эришилган натижа янада салмоқли. Чунки серёмғир, салқин келган баҳор пиллахоналарда нормал иссиқлик бўлишини талаб қиларди. Хоналарга қўшимча равишда ёнилғи, брезент, шифер ва бошқа нарсалар келтиришга тўғри келарди. Бу ишларни кўнгилдагидек амалга оширган Олот, Когон, Ромитан, Қоракўл, Пешку, Свердлов, Вобкент ва Ғиждувон районларининг пиллакорлари вилоят пиллакорларининг ғалабасига муносиб улуш қўшишди. Айниқса Вобкент райони пиллакорларининг натижаси диққатга сазовор. Улар Ватан хирмонига пландаги 376 тонна ўрнига 380 тонна кумуш тола армуғон этишди. Райондаги Калинин номли, Ленин номли, Ильич номли, «Ленинград» колхозлари меҳнатчилари бу ғалабага муносиб улуш қўшишди.

Областда кейинги йилларда моҳир пиллакорлар сафи кенгайди. Майрам Аҳмедова, Башорат Саниева, Латофат Бегова, Назира Атоева, Барно Турдиева, Шамсия Муҳаммадиева, Хушвақт Абдуллаева, Муҳаббат Кенжаева, Роҳила Нажмиддиновалар ҳар бир қути ипак қурти уруғидан 100—105 килограммдан сифатли «кумуш тола» топширишди.

Вилоят пиллакорларининг нияти — эришилган натижани янада яхшилаш. Улар имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қабул пунктларига яна 700 тонна қимматли хом ашё топширишга аҳд қилдилар.

ЖОНАЖОН ВАТАН БУЙЛАБ

✦ ВОРОНЕЖ

Шаҳардаги «Электроника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги заводида дастлабки рўзғор видеомагнитофонлари тайёрланди. Иккита йиғув линияси бир сменада 1200 та аппарат ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Воронеж шаҳри чеккасидаги ана шу корхонани Финляндиянинг «Хака» фирмаси қурди, Жанубий Кореянинг «Самсунг» фирмаси эса ускуналар етказиб берди ва уларни ўрнатди.

✦ РИГА

Мамлакатда мопед етказиб берувчи машҳур «Саркана звайгзне» мотозаводи коллективи Тикси геологларига микровездеходларнинг дастлабки саноат туркумини жўнатди. Уч ўқли мана шу енгил машина уч пассажир ва 280 килограммгача юк таший олади. Ғилдиракларнинг ердаги босими бир квадрат сантиметрга атиги 300 граммни ташкил этади. Бу одам оёғининг босимидан камдир.

✦ ЛЕНИНГРАД

Халқаро экспертларнинг ўз ишини тамомлаган кенгашида 1991 йилда Европа халқлари университетини очишга қарор қилинди. Кенгаш ишида ҳуқуматга қарашли бўлган бир қанча ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО, халқаро дорилфунунлар уюшмаси, «Европа ректорлари кенгаши» Париждаги Помпиду марказининг вакиллари иштирок этдилар.

✦ АШХОБОД

Ашходдаги 1-тикувчилик фабрикасининг шаҳар яқинидаги Аннау посёлкасида очилган филиали болалар учун моллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Дастлабки маҳсулот ҳозирдаёқ савдо тармоғига юборилди.

✦ ПЯТИГОРСК (Ставрополь ўлкаси)

Пятигорскда ўз ишини тамомлаган Лермонтов илмий конференцияси ёзувчининг «Замонамиз қаҳрамони» романи босмадан чиққан кунининг бир ярим асрлик юбилейига бағишланган адабий кечага айланди. Конференцияда Москва, Киев, Тарту, Таганрог, Омск, Воронеж шаҳарлари ҳамда мамлакатнинг бошқа илмий ва маданий марказларидан адабиётшунос олимлар қатнашдилар.

(ТАСС).

Навоий азот ишлаб чиқариш бирлашмаси дейилганда, минерал ўғит тайёрланадиган корхона деб тушуниш одат бўлиб қолган. Жудаям бунчалик эмас. Бирлашма таркибида қатор цехлар, корхоналар бўлиб, улар минерал ўғитдан бўлак маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаради.

Бугунги кунда бирлашмада халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ҳам фаолият кўрсатяпти. Улардан бирида нитрон-кимёвий ип тайёрлаш ўзлаштирилган. Кейинги вақтда нитрон корхонаси кенгайтирилиб, кўплаб ишчилар меҳнат қиладиган бўлишди.

Тўғриси, бу ерда ҳар ким ҳам ишлолмайди. Нитрон корхонаси малакали ишчиларга эҳтиёж сезмоқда. Ёш ишчилар янги касбларни ўзлаштириб олишмоқда, маҳоратларини такомиллаштиришяпти. Венера Надиршина шундай ишчилардан бири.

Суратда: нитрон ип ўровчи В. Надиршина.

Ж. МИРЗАЕВ олган сурат.

Долзарб мавзу

МЕҲР-МУРУВВАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

◎ Жамиятнинг саховати, инсонпарварлиги унинг уруш ва меҳнат ветеранларига, ёлғиз кекса граждан лар ва ногиронларга муносабатига қараб белгиланади. Ҳаётимизда бўлаётган туб ўзгаришлар кўпгина ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда. Яқинда Ветеранлар Кенгаши биносида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, жумҳурият Ижтимоий таъминот министрлиги, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатида «Меҳр-мурувват» комплекс программаси асосий мавзу бўлди. Унда жумҳуриятимизда ногирон-кекса граждан лар, кам таъминланган пенсионерлар, кўп болали оналар, жиддий касалликка чалинган, ақлий ривожланишдан орқада қолган болалар, ногирон байналмилалчи-жангчилар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оналаларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар қандай амалга оширилаётгани ҳақида гап борди.

— Бу учрашув энг долзарб мавзуга бағишланганлигини мени беҳад қувонтирди, — деди **жумҳурият ижтимоий таъминот министри ўринбосари Акром Жумаевич Нарзиев**, — меҳр-мурувват деган сўзга изоҳ беришнинг ҳожати бўлмаса керак. Оқкўнгиллилик — инсоннинг энг гўзал фазилати. Бундай одамлар ёрдамга муҳтож кишиларга кўмаклашишга ошиқадилар. Айрим кишилар меҳр-мурувватга жуда муҳтож. Улар кекса граждан лар, ёлғиз, боқувчисиз қариялардир. Республикамизда бундай кишилар 24 мингдан ошади.

Жумҳуриятимизда кейинги 2,5 йил мобайнида ёрдамга муҳтож кишиларга уйларида социал хизмат кўрсатувчи 192 та бўлим ташкил этилди. Бу меҳр-мурувват хизматига 1728 киши жалб этилган. Улар 17 минг 778 кекса граждан ва ногиронларга хизмат кўрсатмоқдалар. Келгуси йили яна шундай 43 та бўлим ташкил этилиб, улар 3,5 минг ёлғиз кишига хизмат кўрсата бошлайдилар.

Янгиободдаги ижтимоий ёрдам бўлими фаолияти диққатга сазовордир. Бу бўлим ташаббуси билан «Меҳр-шафқат» салони ташкил этилиб, ҳисоб очилди. Ҳозир унинг ҳисобида 5 минг сўм пул, анчагина кийим-бош, чойшаб, кўрпа ва бошқа буюмлар тўпланди. Улар муҳтож одамларга берилмоқда. Бу хайрли ишдан кўпчилик миннатдор.

Олмалиқ шаҳрида эса кексаларга оталиқ ёрдами кўрсатиш кенг тус олмоқда. Бу ерда мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган бўлиб, ёлғиз кексаларга кундалик ёрдам масалалари зудлик билан ҳал этилмоқда. Дўконлар, муассасаларда уларга навбатдан ташқари хизмат қилиш ҳақида ёзувлар осилган. Ана шунга ўхшаш ишлар барча областларда, шаҳар ва районларда амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар Куйбишев район ижрокоми кекса граждан ларга бепул овқат ташкил этиш учун маҳаллий бюджетдан 1 миллион 300 минг сўм, коммунал хизматга тўлаш учун 1,5 минг сўм ажратди. Чилонзор район корхоналари эса ана шу мақсадларга 86 минг сўм, Октябрь райони 1 миллион сўмдан ортиқроқ, Фрунзе райони эса 54 минг сўм пул ажратди.

Қасаба уюшмалари Тошкент вилояти кенгаши меҳр-мурувват кўрсатиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида унинг ташаббуси билан ёлғиз уруш ва меҳнат ветеранлари учун бепул парҳез таомлар ташкил этилди. Қўқон шаҳар озиқ-овқат савдоси идораси 200 дан ортиқ ёлғиз кишига мунтазам бепул овқат уюштирди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. «Наврўз» байрами эса ҳар бир ёлғиз кексанинг хонадонида бўлиб ўтди. Ижтимоий ёрдам, интернат уйлари ходимлари, қўшнилар, пионер ва комсомоллар улардан хабар олишди. Биз шуни ҳисобга олишимиз керакки, ёлғиз ва ногирон кексаларнинг кўнгиллари жуда нозик. Уларни алоҳида ғамхўрлик ва меҳр билан қуршаб олиш фақат ижтимоий таъминот бўлимларининггина эмас, балки бутун жамоатчиликнинг бурчидир.

Меҳр-мурувват ва саломатлик совет фондининг Ўзбекистон жумҳурияти бўлими раисининг ўринбосари М. С. Усмонхўжаев кам таъминланган онлалар, ёрдамга муҳтож кишиларга меҳр-шафқат ва ғамхўрлик кўрсатиш барчамизнинг бурчимиз, — деб таъкидлади ва бу соҳадаги барча ишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишни таклиф қилди.

— Жумҳуриятимиз «Меҳр-мурувват» программасида тиббиёт ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар, —деди **жумҳурият соғлиқни сақлаш министри ўринбосари Д. Қобулова.** — Кекса ёшдаги кишилар аксарият юрак, қон-томир, нафас олиш йўллари ва бошқа касалликлар билан кўпроқ оғрийдилар. Бунинг оқибатида уларнинг асаблари ҳам бўшашиб қолади. Натижада касалликни аниқлаш, даволаш жараёнлари мураккаблашади. Ҳозирги кунда кексаларга, ёлғиз граждан лар ва ногиронларга амбулатория-поликлиникалар ва шифохоналарда тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу хилдаги беморларнинг 50—70 фоизига уйларида ҳам ёрдам кўрсатилмоқда. Маҳаллий соғлиқни сақлаш органлари ёлғиз кексаларни топиб, уларга медицина ёрдами кўрсатиш, соғлиғини участка врачлари томонидан назорат қилиб боришни йўлга қўйишган. Зарур бўлганда уларга соҳа мутахассисларининг консультациялари уюштирилмоқда. Поликлиникаларда шифохоналарга жойлашиш учун навбатдан ташқари йўлланмалар берилмоқда.

Ҳозирги кунда кекса ва ногиронларга уйида стационар ёрдами кўрсатиш усули кенгаймоқда. Шу йилнинг бошида 27 минг 779 киши хизматнинг ана шу усули билан даволанди. Дори-дармон билан даволашдан ташқари улар клиник ва биологик лаборатория усулида текширилди. Жумҳуриятимиздаги кўпгина поликлиникалар беморларни уй стационарларида даволашни марказлаштириш усулига ўтдилар. Ана шу мақсадларга алоҳида автотранспорт ва шифокор ажратилган. Бундан ташқари кексалар ва ногиронларга хизмат кўрсатувчи кундузги шифохоналар тармоғи кўпаймоқда.

Ҳозирги кунда махсус шифохоналарда ҳамширалар парваришини йўлга қўйишга тайёргарлик кўрилмоқда. Лекин шунга қарамасдан кексаларга ва ёлғиз граждан ларга тиббий хизмат кўрсатиш давр талаблари даражасида, деб бўлмайди. Вазирликка келаётган кўплаб хат ва шикоятлар шундан далолат берадики, даволаш ва дори-дармонлар билан таъминлаш иши кўпгина жойларда талаблар даражасида эмас. Малакали шифокорлар етишмайди. Айниқса, ҚҚАССР, Сирдарё, Сурхондарё, Бухоро областларининг узоқ ерларида кўз, қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари мутахассислари, травматолог, невропатологлар етишмайди.

Ижтимоий ва медицина муассасалари сурункали бемор кексалар турмуш шароитини енгиллаштиришга хизмат қиладиган техника восталарига муҳтож. Биринчи навбатда ваннахоналар учун мослаштирилган юмшоқ кресло ва аравачалар етишмаётир. Ётиб қолган беморларни ювиндириш имконини берадиган воситалар умуман йўқ. Кам қувватли кексалар ва ногиронларга қулайлик яратиш масаласида ҳам юқоридаги фикрни айтиш мумкин.

Давра суҳбатида қатнашган жумҳурият Қизил Ярим ой жамияти марказий комитетининг раиси Ў. Т. Воҳидова, Тошкент шаҳар ижроия комитети ижтимоий таъминот бўлими бошқармаси бошлиғи Ҳ. У. Турсунова, Афғонистон жумҳуриятида ҳалок бўлган жангчилар оналари аъзоларининг жамоатчилик комитети раиси Л. А. Алейникова, В. И. Ленин номли Совет болалар жамғармаси Ўзбекистон жумҳурият бўлими раисининг ўринбосари Н. И. Исҳоқов ва бошқа ўртоқлар «Меҳр-мурувват» программасини амалга ошириш соҳасидаги муҳим муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини баён қилдилар. Давра суҳбати қатнашчилари бу соҳадаги барча интилишларни ва ҳаракатларни бирлаштирувчи мувофиқлаштирувчи кенгашни ташкил этиш ҳақидаги таклифни бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВнинг

1990 йил 27 майда Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Жуда оддий ва тушунарли иборалар билан гапирганимизда, нормал ишлайдиган бозорнинг ўзи нима? Бозорнинг жорий этилиши шундай шароитни яратиши керакки, унда кимки самарали меҳнат қилса, истеъмолчига ва жамиятга керакли маҳсулотни, юқори сифатли маҳсулотни ишлаб чиқарса, кимки чиқимларни камайтириш йўлларини доимий қидирса, маҳсулотни арзонлаштирса, — мана шундай кишилар яхши даромад, яхши иш ҳақи олиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Бозор неча йиллар давомида бир жойда депсиниб турган, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳақида, керакли маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисида ўйламайдиган кишилар масаласини, айниқса зарар кўриб ишлаётган ёки ишлар хўжасизларча, масъулиятсизларча олиб борилаётган, интизомсизлик, бошбошдоқлик ҳукм сураётган коллективлар масаласини ўткир қилиб қўяди. Бозор жорий қилинганидан кейин яқин муддат ичида мана шуларнинг ҳаммаси юзага чиқиб қолади.

Шу сабабли яхши меҳнат қилаётган ва келгусида бундан ҳам яхшироқ меҳнат қилишга тайёр бўлган кишиларга бозор ўз истеъдодини, ташаббусини, ижодкорлигини намоён қилиш учун кенг имкониятлар беради. Аммо очиғини айтганда, меҳнатдан бўйин товлайдиган, яхшироқ ишлаш ва яхшироқ натижаларга эришиш ҳақида эмас, балки, аввало бошқалардан қандай қилиб ўтиб олиш тўғрисида кўпроқ ўйлайдиган кишиларга эса қийинроқ бўлади. Ахир, бу — адолат-ку — адолат бўлганда ҳам, менимча, олий адолат-ку.

Қисқа қилиб айтганда, бозор бизга неча ўн йиллардан бери ҳал қилишга интилиб келган вазифаларни ҳал этиш — ижодий, унумли, самарали меҳнатни рағбатлантириш ва ношуд ходимларни пул билан жазолаш имконини беради. Биз ҳаммамиз худди мана шуни хоҳлаймиз, кўпдан бери шуни хоҳлаб келяпмиз. Бироқ ҳозир шуни ҳам қўшиб қўйиш керакки, агар биз шу йўлга ўтмасак, ўзимиз тушиб қолган ана шу вазиятдан чиқа олмаймиз.

Сизлар: нега энди айни ҳозирги вақтда бошқариладиган бозорга ўтиш масаласи амалий йўлга қўйилмоқда, нега бу иш эртароқ қилинмади-ю, нега уни кейинроқ қилиш мумкин эмас? — деган саволни беришга ҳақлисизлар, албатта. Бу ҳусусда турли фикрлар, мулоҳазалар айтилмоқда, ҳар хил нуқтаи назарлар билдирилмоқда. Баъзи кишилар, биз вақтни бой бериб қўйдик, илгарироқ бунга ўтиш керак эди, дейишмоқда. Бошқалар эса биз ҳали бунга тайёр эмасмиз, бозорга ўтиш кўпларимиз учун, эҳтимолки, умуман мамлакат учун ҳам оғир оқибатларга олиб боради, деб ҳисобламоқдалар.

Мен ўзим бу масалалар ҳақида кўп ўйладим, мутахассислар билан ҳам, меҳнаткашлар билан ҳам, атоқли иқтисодчилар билан ҳам жуда кўп маслаҳатлашдим. Менинг нуқтаи назарим қуйидагича: назаримда, биз масалани илгари ҳозир қўйилаётгандек қўя олмас эдик. Нега? Чунки бозор амал қила бошлаши учун кўп ишларни, анчагина ишларни қилиш зарур эди.

Мен бу суҳбатда баъзи бир муаммоларни айтиб ўтмоқчиман. Мен онгли равишда шундай қиляпман, чунки ҳукуматнинг маърузасига, бу маърузанинг Олий Советдаги муҳокамасига жамиятимиз қандай муносабатда бўлаётганини кузатиб туриб, аслида ҳамма нарса кўп жиҳатдан нархлардан иборат деб тушунилаётганини кўриб турибман. Мен бу масаланинг аҳамиятини тушунаман, чунки бу нарса одамларнинг турмушига, уларнинг кундалик ҳаётига, турмуш шароитларига таъсир қилади. Мен бу масалаларга албатта тўхталиб ўтаман.

Аммо бозорга ўтиш — жуда кенг миқёсли, мажмуий вазифа. Биринчидан, бизнинг иқтисодиётимиз қатъий мажказлаштирилган режалаштириш ва раҳбарлик шароитида ишлаб келди. Унда хўжалик ҳисоби ёндашувдари эндигина куртак ёза бошлаган эди. Бундай вазиятда, ҳамма нарса қатъий режалаштириб қўйиладиган, қатъий тақсимланадиган, муайян миқдор билан чеклаб қўйиладиган, назорат қилинадиган, тартибга солинадиган шароитда ҳеч қандай бозор ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслиги табиий. Биз бошқа соҳаларда бўлганидек, иқтисодиётда ҳам буйруқбозлик усуллари системасини аввал бошдан барҳам топтиришимиз керак эди. Шу сабабли биз масалани беш йил аввал ўнда турсин, балки, ҳатто бир ярим-икки йил аввал ҳам амалий тарзда қўя олмас эдик.

Аммо биз ҳар ҳолда ана шу беш йил давомида кўп қийинчиликлар билан бўлса ҳам, хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштиришда бир талай тажриба орттирдик. Бу йўлда хатоларга ҳам йўл қўйилди. Ҳозир деярли ҳамма корхоналар доимо муваффақиятли бўлмаса ҳам, янги шароитларда ишлаб турибди, кооператив ҳаракат вужудга келди ва ривожланмоқда. Биз бу ҳаракатни танқид қиляпмиз, кўп ҳолларда ўринли танқид қиляпмиз, аммо принцип жиҳатдан олганда кооперативлар ривожининг мана шу, дастлабки даврида рўй бераётган оғишлар, юлғичликлардан бу ҳаракат қутулиб олгач, у ҳали ўз кучини кўрсатади, деб ўйлайман. Менинг бунга ишончим комил.

Мамлакатда, гарчи катта қийинчиликлар билан бўлсада, ижарачиларнинг ҳаракати ривожланмоқда. Бу ҳаракат ҳозирнинг ўзидаёқ халқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб олди. Ижарачилар билан сўнгги учрашув менда жуда катта таассурот қолдирди. Энди булар мутлақо бошқа одамлар. Улар бошқача фикрламоқдалар. Улар асло юлғичлар эмас, балки жуда жўшқин фикрли, масалага давлат манфаатларини кўзлаб ва мамлакат учун зўр масъулият туйғуси билан ёндашадиган кишилар эканини пайқаб олдим. Бу — жуда соз. Демак, хўжалик юритишнинг янги шароитлари, инсоннинг иқтисодиётдаги янги ҳолати унинг гражданлик мавқеига жуда катта таъсир ўтказмоқда.

Шу йиллар мобайнида аграр соҳада ҳам анча муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу соҳада ҳам хўжалик юритишнинг янги шакллари зўр бериб қидирилмоқда. Мана шундай тажриба бўлмаганида иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш юзасидан янги вазифаларни ўртага қўйиш амри маҳол бўлур эди, ўртоқлар.

Ҳатто ҳозирги туб бурилиш даврида — биз қайта қуришнинг айни мана шундай палласига етиб келдик — биз асосан ижтимоий онгимизнинг тайёр эмаслигига дуч келмоқдамиз.

Начора, сиз билан биз ўз давримизнинг фарзандларимиз, эски одатлар руҳида тарбияланганмиз ва шу одатларга кўмилиб ётибмиз. Биз жуда мураккаб масалаларни жўнгина ҳал этишни жуда хоҳлаймиз. Аммо бундай ҳал этиш йўллари йўқ.

Очил дастурхон каби ҳамма нарса ўз-ўзидан муҳайё бўлиб қоладиган йўлни топиш учун қилинаётган ҳамма уринишлар эса биз ҳали ўтмиш хом хаёлларидан халос бўлмаганимизни кўрсатиб турибди. Аммо бу ҳолат ўтиб кетади.

Жамият ўзгармоқда. Мана, кўрдингизми, мана шундай қилмай туриб, бозорга ўтиш тўғрисидаги масалани қўйиш масъулиятсизлик ва енгилтаклик бўлур эди.

Яна бир гап: ҳозир бизда Мулкчилик тўғрисидаги, Ижара ҳақидаги, Ер тўғрисидаги қонунлар каби залворли қонунлар бор. Улар шундай ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиб бермоқдаки, бу шарт-шароитлар мулкчилик муносабатларини чуқур ислоҳ қилиш ва кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида иқтисодий турмушнинг янги шаклларига ўтиш имконини беради. Бу ҳам йўқ эди. Бироқ шу қонунларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, муҳокама қилиш даврида ўзимиз ҳам тасаввурларимизни бойитиб олдик. Шу давр ичида ҳаммамизнинг ақлимизга ақл қўшилди, деб ўйлайман.

Гарчи инсоннинг руҳи ўзгаришларга унчалик қайишмайдиган соҳа бўлса-да, умуман, руҳиятимиз ҳам анча ўзгарди. Яхшилик сари ўзгарди. Мана ҳозир бозор иқтисодиётига ўтишдек масалани муҳокама қилаётган эканмиз, эҳтимол, бу нарса мен айтаётган гапнинг энг кучли тасдиғидир. Фикр-мулоҳазаларнинг ўткирлиги мени чўчитмайди. Биз ҳозир муҳокама қилиб, ҳал этаётган масала катта ва мураккаб масаладир. Одамлар уни ўзлари лозим деб ҳисоблаган тарзда қўйишга ва ўзларида юзага келаётган шубҳа-гумонларни айтишга ҳақлидирлар.

Ҳозир мана шуларнинг ҳаммаси зарур. Биз шу масалалар юзасидан халқ билан маслаҳатлашишни ваъда қилган эдик ва маслаҳатлашамиз ҳам. Одамларимиз ҳукуматнинг ҳамма таклифлари ҳақида ўйлаётган нарсаларга эътибор билан қараймиз.

Яна бир гап. Бозорга, бозор иқтисодиётига ўтиш вазифаси айни шу бугун амалий тарзда қўйилганининг сабаби нима? Бу бизнинг истеъмол бозоримиздаги ҳақиқий аҳвол, мамлакатнинг молиявий аҳволи, мамлакатдаги бутун ижтимоий-иқтисодий вазиятдан келиб чиқади.

Ўтган йилнинг декабрида маъқулланган ва ҳозирги, 1990 йил мобайнида истеъмол бозорида ҳам, молия, бюджет соҳасида ҳам яхшилик сари ўзгартириш мўлжаллаб қўйилган чора-тадбирлар ҳозирча кам натижа берганини рўй-рост, бутун масъулият билан ошкора айтмоқ керак.

Ҳозир мен бунинг сабаблари ҳақида гапирмоқчи эмасман. Қолаверса, бу сабабларни ўзингиз биласизлар, деб ўйлайман, чунки биз бу ҳақда кейинги вақтларда гапирган эдик. Фақат шуни қайд этмоқчиман: ҳозирча ҳукумат ишлаб чиқариш ва моллар ишлаб чиқаришни ўстиришга нисбатан пул даромадларининг илдамроқ ўсишини секинлаштиришга муваффақ бўлгани йўқ. Энг муҳими — мана шу, шу боисдан бозоримиздаги вазият яхшиланиши бир ёқда турсин, ҳатто баттар кескинлашди. Янги пул чиқаришни қисқартиришга муваффақ бўлинмади.

Йилнинг ярмидан кўпи ҳали олдинда турибди, биз қатъийроқ, саботлироқ ҳаракат қилиб, янги-янги чоратадбирларни кўриб қандай қилиб бўлмасин молия ва истеъмол бозори соҳасида ўзимиз белгилаган дастурни амалга ошириш учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилишга интилаверишимиз керак, албатта. Ҳам марказ, ҳам жумҳуриятлар, ҳам регионлар даражасида, ҳам ҳар бир меҳнат жамоасида ҳаракат қилиш керак. Бу — ҳаммамизнинг вазифамиз. Башарти, биз мўлжаллаган ишларни, чунончи халқ истеъмоли молларини кўпайтиришни (бунда гап миллиардлар ҳақида боряпти) бирон-бир меҳнат жамоалари қабул этмаган ва ўз режаларига киритмаган бўлса, бу нарса бозорнинг ҳолатига таъсир қилади. Ҳали бир неча ой вақтимиз бор, шу вақт ичида ихтиёримиздаги ҳамма имкониятлардан фойдаланиш лозим.

Аҳвол мана шундай. Бироқ шунга қарамай, ҳукумат дастурини амалга ошириш соҳасидаги иш тажрибаси ҳатто белгиланган ҳамма чора-тадбирлар амалга оширилган тақдирда ҳам вазиятни яхшилаш сари ўзгартириш учун етарли бўлмаслигини кўрсатди.

Шу сабабли ҳукумат бозор иқтисодиётига ўтиш муддатларини яқинлаштириш керак, деган фикрга келди.

Президентлик Кенгашининг учта мажлиси шу масалага бағишланди. Президентлик Кенгашида бошқариладиган бозорга ўтиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ҳаммасини муҳокама қилишга катта эътибор берилди. Ҳозир масалани пайсалга солиб бўлмайди, деган фикрга ҳамма қўшилди. Ҳозирги вазият нақадар мураккаб бўлмасин, ҳаракат қилмоқ керак, чунки энди яқин ойлар ичида вазият баттар кескинлашиб, қийинлашаверади, очиғини айтганда, хатарли тус ҳам олади. Кўп кишилар: хўш, бозор иқтисодиётига ўтиш нималарни ўз ичига олади? — деб сўрамоқдалар. Бу — катта ва муҳим масала. Баъзи кишиларга, аслида, бозорга ўтиш фақат нархларни кўриб чиқишдан иборат бўладигандек туюлибди. Бироқ ўртоқ Николай Иванович Рижковнинг СССР Олий Совети сессиясидаги маърузаси билан таниша олган киши шу ўтиш даврида биз жуда кўп иш қилишимиз кераклигига ишонч ҳосил қилганлиги турган гап. Бу иш бир-бири билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг бутун бир мажмуини ўз ичига олади. Бу вазифалардан биронтасини ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайди, айниқса ҳал этмай, орқага суриб бўлмайди, чунки бу салбий оқибатларга, шу жумладан ижтимоий тарздаги оқибатларга ҳам сабаб бўлади.

Мен айтмоқчи бўлган биринчи гап қуйидагилардан иборат: ҳозирги хўжалик йилини биз имкони борича кўпроқ ижобий натижалар билан тугаллашимиз учун ҳамма ишни қилиш керак. Бундай қилиш осон иш эмас, гарчи муайян ижобий силжишлар бўлсада, иқтисодиётда дастлабки ойлар мобайнида яна камчиликларга йўл қўйила боғлади. Бу йилги вазифаларнинг бажарилмаслиги ишлаб чиқаришнинг мувозанатига ҳам, умуман иқтисодий натижаларга, одамларнинг даромадларига, иш ҳақига ҳам таъсир қилади, давлат бюджетидаги вазиятни чигаллаштиради.

Хуллас, ҳозир ҳамма масъулият туйғусини, ҳар бир киши ўз жойида интизомли, самарали ишлаши зарурлигини тушунганлигини намоён этиши ҳар қачонгидан ҳам зарур. Биринчиси — мана шу.

Бозорга ўтиш тегишли солиқ системаси бўлишини назарда тутади, чунки бу — бозор шароитида иқтисодиётни тартибга солишнинг жуда муҳим воситасидир. Бу хусусдаги дастлабки ишланмалар Олий Советга тақдим этилган. Бу ишланмалар қизғин мунозара, фикрлар тўқнашуви шароитида муҳокама қилинмоқда. Мана шуларнинг ҳаммасини қилмоқ керак. Чунки булар давлатнинг бозор иқтисодиёти жараёнларига айни таъсир ўтказиш воситаларидир. Халқ хўжалигимизнинг хусусиятларини эътиборга олиш лозимлиги табиий, халқ хўжалигимизда биронбир маҳсулотни ишлаб чиқиш соҳасида ҳукмронлик мавқеини эгаллаб турган бир талай корхоналар бор. Бозор шароитида бу корхоналар ўзларининг мана шу ҳукмронлик мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, жамиятга ўз нархларини тиқиштирадиган вазият вужудга келиб қолиши мумкин. Чунки биз бу маҳсулотни бошқа бирор жойдан олмаймиз.

Ҳозир ишлаб чиқарувчининг ҳокимлигига, зўравонлигига қарши қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва қабул этиш керак. Шундай қилмасдан бўлмайди. Бизнинг хусусиятимиз мана шундай ва биз буни эътиборга олишимиз керак. У ёки бу молларни ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат жамоалари учун мусобақалашиш, беллашиш имконини очадиган шароитларни яратиш жуда муҳимдир. Бунинг учун эса майда ва ўрта корхоналар тўғрисида, умуман корхоналарга хусусий эгалик ҳақида ҳеч кечиктирмай қонун қабул қилиш керак. Ҳозир шундай қилинмоқда.

Мулкчилик тўғрисидаги, Ижара ҳақидаги, Ер тўғрисидаги қонунларни амалга ошириш воситасини яратиш керак. Мен ижарачилар билан яқинда учрашганимда, улар шу ҳақда шикоят қилдилар. Булар — аслида яхши қонунлар. Эҳтимол, улар турмуш синовидан ўтар, уларга ҳали тузатишлар ҳам киритилар. Шундай бўлиши, эҳтимолдан холи эмас. Аммо уларни амалга ошириш воситаси пухта ўйлаб қўйилмаганлиги сабабли улар кўнгилдагидек самара бермаяпти. Бу қонунлар амалга ошишини, рўёбга чиқишини хоҳламаган кишилар эса жуда кўп эканини айтиб қўймоқчиман. Биз бу қаршиликни ана шу энг муҳим, фундаментал қонунларни амалга оширишнинг дастури бўлган тегишли ҳуқуқий актларни қабул қилиш негизидагина енгишимиз мумкин. Рўй-рост айтиш керакки, ҳозирча эса ана шундай дастурларнинг йўқлиги учун бу қарорларни амалда рўёбга чиқариш мушкул бўлиб турибди.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ислоҳот йўлида тўсиқ бўлмоқда. Одамлар шуни ўтиниб сўраб, айни вақтда улар шу хусусда Президент фармони лойиҳасини тақдим этиш тўғрисида таклифни ҳам айтишди. Мен одамларнинг бу кайфиятини қўллаб-қувватлайман.

Олий Совет кун тартибида турган бошқа анча қонунлар ҳам бор. Биз ушбу қонунларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни обдон ўйлаб кўришимиз керак.

Ёки бошқа бир муҳим жиҳатни олайлик. Ҳозир базавий тармоқларнинг кўпгина корхоналари мушкул молиявий аҳволга тушиб қолди, бунинг устига улар зарар кўриб ишламоқда. Ушбу корхоналар фақат ўз айблари билангина зарар кўриб ишлашаётгани йўқ — ҳар ҳолда бундай айб ҳам бор — мазкур корхоналар аввало шунинг учун зарар кўрмоқдаларки, мамлакатда улгуржи нархлар тўғрисидаги масала нотўғри ҳал этилмоқда. Танг қоладиган аҳвол вужудга келди: мамлакат ана шу корхоналар, ана шу тармоқларсиз яшай олмайди, айни вақтда эса буларнинг маҳсулотидан зарар кўрмоқда. Кончилар ўзларига мустақиллик берилиши тўғрисидаги масалаларни, улар ўз меҳнати самараларини чинакамига тўғри тасарруф эта олишларига йўл очиб бериш тўғрисидаги масалаларни тўғри ўртага қўймоқдалар.

Хуллас, буларнинг ҳаммасини ҳал қилиш талаб этилади. Бусиз биз яна бозорга ўтишга тўғри тайёргарлик кўра олмаймиз. Бу энг муҳим вазифалардан биридир.

Бозор рисоладагидек ишламоғи учун молия-кредит муассасаларининг тегишли системаси, турли юмушларни адо этадиган банкларнинг кенг тармоғи зарур. Бозор мол ва фонд биржалари бўлмаса, меҳнат ресурсларини тартибга солиш системаси бўлмаса, рисоладагидек ишлай олмайди.

Мен ҳал этилиши лозим бўлган ҳамда буларсиз бозор иқтисодиётига ўтиш мумкин бўлмаган муаммоларнинг бир қисминигина тилга олдим. Шунинг учун ҳам ҳукумат маърузасида баён этилган тайёргарлик босқичи зарурдир. Шу боисдан ҳам биз бу йилнинг охиригача бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар мажмуасини қабул қилишимиз лозим бўлади. Бу ҳужжатларсиз бозор иқтисодиётига ўтишни рўёбга чиқариш мумкин эмас. Бу ўринда Олий Советда ҳам, ҳукуматда ҳам, Президентлик Кенгашида ҳам жиддий иш қилиш керак.

Назаримда, ҳукумат идоралари — ҳам Иттифоқ, ҳам жумҳурият ҳукумат идоралари — ишининг энг муҳим қисми жамиятдаги ортиқча пулларни ушлаб қолиш чораларини амалга оширишдан иборат. Бу ўринда иш ҳақи ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижалари билан мустаҳкам боғланиши учун қаттиққўл иқтисодий таъсир чоралари зарур.

Аммо бу иқтисодиётимиздаги салбий тенденцияларга барҳам беришнинг йўналишларидан биридир, холос. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бозордаги ишлар аҳволини яхшилаш режасининг қандай амалга оширилиши бу ўринда жуда муҳим аҳамиятга молик бўлади. Мен бу ҳақда гапирган эдим. Ва биз ҳаммамиз бу соҳада пухта ишлашимиз керак.

Бюджет камомадини қисқартириш — пайсалга солиб бўлмайдиган вазифадир. Пулнинг қадрсизланиш жараёнларига кучли таъсир ўтказаётган, шу жараёнларни жадаллаштираётган омилнинг ўзи ҳам ўша бюджет камомадидир. Ихтиёримизда бюджет камомадини қисқартириш учун чинакам имкониятлар бор, биз иқтисодиётни соғломлаштириш юзасидан ҳукумат режаси муҳокама қилинаётганда, шу жумладан, бу йилга мўлжалланган тадбирлар кўриб чиқилиб, қўллаб-қувватланган пайтда шу имкониятлар ҳақида гапирган эдик.

Аммо шуни айтиш керакки, бу ўринда ҳукумат идоралари дуруст ишламаяпти. Бу аввало капитал қурилишга сарфланаётган маблағларни қисқартиришга дахлдордир. Халқ хўжалигида тўпланиб қолган ортиқча моддий запасларни сотиш эвазига кўпгина маблағни қўлга киритиш мумкин. Бу маблағ 200 миллиардга етади. Шунинг ўзи ҳам мамлакатда жуда катта нақд пулни ва ҳисоб-китоб билан ундириладиган маблағни қўлга киритишга имкон берарди. Давлат аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатларни яна бир карра кўздан кечириб чиқиш лозим бўлади. Мудофаага кетадиган харажатларни қисқартириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳам тўла амалга оширилиши керак.

Хуллас, қуйидагиларни таъкидламоқчи эдим: шу йилнинг иккинчи ярми учун қўлимизда фавқулодда давлат бюджети бўлиши лозим. Шундай бюджетни ишлаб чиқишга дарҳол киришишимиз лозим. Ҳатто мен тилга олган масалаларнинг ўзи ҳам шундан далолат бериб турибдики, тайёргарлик босқичи доирасида кенг қўламли жуда катта туркумдаги вазифаларни ҳал этиш керак. Буларсиз бошқариладиган бозорга ўтиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бозорга ўтиш муносабати билан бир қанча муаммолар пайдо бўлдики, буларга жамият аҳли жуда қизиқиб қарамоқда ва шулар хусусида жамиятда ўткир баҳслар бўляпти. Мамлакатда аҳоли ўртасида таҳлика пайдо бўлган экан, бу аввало ана шу билан изоҳланади. Мен бу ўринда бозор иқтисодиётига ўтиш нарх белгилашни ислоҳ қилишни тақозо этаётганини назарда тутмоқдаман. Ҳозир тафсилотларга берилмоқчимасман, чунки ҳукумат маърузасида бунга катта эътибор берилган, бунинг устига нарх белгилаш ислоҳотини амалга оширишнинг барча жиҳатлари ҳали яна муҳокама қилинади. Бош масала ҳақида гапириб ўтмоқчиман: аввало, ҳукумат таклиф этаётган тадбирларда бир қанча энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари нархини албатта тартибга солиб туриш бундан буён ҳам амал қилаверади.

Ҳали беқарор ва таркиб топмаган бозор таъсирида нархларнинг ўз-ўзидан шаклланишига сира йўл қўйиб бўлмайди, чунки бу халқнинг турмуш даражасига оғир зарба бўлиб тушиши мумкин. Бу биринчидан.

Сўнгра. Ҳамонки, ҳар қалай нархларнинг ошиши муқаррар бўлиб қолган экан, айни вақтда бунинг ўрнини қоплашнинг кенг қўламдаги дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад турмуш даражасини ва аввало аҳоли кам таъминланган табақаларининг ижтимоий аҳволини пасайтириб юбормасликдир. Буни қай йўсинда, қандай шаклда амалга ошириш юзасидан таклифлар муҳокама қилиш учун тақдим этилади. Назаримда, бу ана шу хусусда мақбул ечимга келишимизга имкон беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар хил омиллар таъсирида нархлар дам кўтарилиб, дам тушиб туриши мумкин экан, жумладан нархларнинг янада кўтарилиши имконияти бор экан, индексация (муайян вақт давомида ёки ҳудудда моллар нархининг ўртача даражаси ўзгаришини акс эттирадиган кўрсаткич) системасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш назарда тутилмоқда, бунинг моҳияти шуки, иш ҳақи ҳам, пенсия ва стипендиялар ҳам нарх кўтарилишини ҳисобга олиб оширилиши лозим.

Яқинда Уралга сафар қилганимда ва Москва меҳнаткашлари билан учрашганимда шу нарса аён бўлдики, кўпчиликни бозор иқтисодиётига ўтиш бошланганда анчагина корхоналар турли шароитга тушиб қолиши тўғрисидаги масала безовта қилмоқда, бу ўринда нималар назарда тутилмоқда. Баъзи корхоналар ихтиёрида янги ишлаб чиқариш фондлари бор. Бошқалари ихтиёридаги фондлар эса эскириб қолган, айрим корхоналарда реконструкция якунланган, баъзиларида эса бу юмуш эндигина бошланган ёки уни эндигина авжига чиқариш мўлжалланмоқда. Энди иқтисодиётимизнинг мудофаа сектори ҳақида гапирадиган бўлсак, бу соҳа конверсия босқичига ўтди, бу масала ҳукумат режаси Олий Советда муҳокама қилинаётганида тилга олинди.

Биз ана шундай аҳволга тушиб қолган корхоналар учун зарур имтиёзли шарт-шароитлар яратилишини таъминлайдиган керакли ҳуқуқий, иқтисодий негизларни кўзда тутишимиз лозим. Ҳар қалай, бу муаммо жуда синчковлик билан ўрганиб чиқилиши ва буни ҳал этиш учун оқилона ёндашувлар топилиши керак. Илова қилиб шуни айтишим керакки, ихтиёримизда жаҳон иқтисодиёти тўплаган тажриба бор.

Меҳнаткашларни яна бир масала, яъни иш бўладими, иш жойлари билан таъминланамизми, деган савол безовта қилиб турибди. Бу катта ва жуда муҳим масаладир. Мазкур масала алоҳида диққат-эътибор билан ўрганишга лойиқдир. Равшанки, бозор ва структуравий қайта қуриш шароитида, корхоналарнинг ихтисоси ўзгартирилаётган бир пайтда одамларнинг қўли бўшаб қолади. Эҳтимол, бозор мавжуд бўлишининг энг муҳим жиҳатларидан бири худди ана шундадир. Бу бошланғич босқичдаёқ ўзини намоён этиши мумкин.

Ҳозир ҳукумат ишсизликнинг олдини олиш давлат режасини, ишга жойлаштириш, ишчи кучларини қайтадан ўқитиш ва қайтадан тақсимлаш режаларини ишлаб чиқмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ана шундай жўн бўлмаган турмуш вазиятига тушиб қолган киши ишончли тарзда муҳофаза қилиниши керак. Шу хусусдаги таклифлар ҳам муҳокамага тақдим этилади.

Шундай қилиб, биз теран ўзгаришлар даврига қадам қўймоқдамиз. Лекин биз сўз юритаётган бозор — бошқариладиган бозордир. Демак, бу бозорда давлат муҳим ўрин тутади. Бу гап, аввало, аҳоли учун муайян ижтимоий кафолатлар ишлаб чиқишга таллуқлидир. Биз аҳоли турмуш даражасининг эҳтимол тутилган қимматлашуви ўрнини тўлароқ қоплаш учун барча ишларни қилишимиз керак.

Энди бу юмушни рўёбга чиқариш усуллари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда, марказда, Олий Советдаги, жамиятдаги муҳокамани назарда тутиб, бу иш узил-кесил белгилаб олинади.

Яна шуни айтмоқчи эдимки, бизга бозор ҳам, у билан боғлиқ бўлмаган омилларнинг ўзи ҳам шунчаки зарур бўлиб қолмасдан, балки инсонга эрк бериш, халқнинг жуда катта ижодий куч-қудратини ишга солиш, демократик ўзгаришларга мустаҳкам пойдевор қўйиш учун зарурдир. Бошқача қилиб айтганда, бозор мақсадининг ўзгина бўлиб қолмай, балки иқтисодиётимиз ишлашини яхшилашнинг, унинг самарадорлигини оширишнинг ва шу негизда совет кишилари турмушини фаровон қилишнинг қудратли воситаларидан биридир.

Азиз ўртоқлар, бундай бурилишни рўёбга чиқариш жўн иш эмас, албатта. Бунинг устига миқёси ва мураккаблигига кўра ана шундай масалаларни ҳали сиз билан биз ҳал қилмаган эдик. Агар биз ишимизни яхшиламоқчи бўлсак, ҳамма нарсани обдон муҳокама қилиб, чамалаб кўриб, жуда синчковлик билан ўйлаб, ана шу йўлни тутишимиз керак.

Хуллас, ҳозир бизга жамиятнинг қоғоздаги эмас, балки амалдаги тотувлиги керак.

Ана шу муаммоларнинг ҳаммаси ҳозир Олий Советда муҳокама қилинмоқда. Бу иш учун бир неча кун зарур бўлади. Муҳокаманинг боришини сиз кўриб турибсиз. Эндиликда, яъни ҳукумат маърузаси эълон қилингандан кейин зиммамизга тушаётган барча муаммоларни тубдан ўрганиб чиқиш ва ўйлаб чиқиш учун имконият очилмоқда.

Миллий тотувлик йўлидан борар эканмиз, ҳойнаҳой, бу масалани меҳнат жамоаларида ва айниқса янгидан сайланган Советлар системасида, Советларнинг сессияларида кенг қўламда муҳокама қилиш зарур бўлар. Бундан кўзда тутилган мақсад, шу тарзда жиддий муҳокамадан кейин барча жумҳуриятлар марказга ўз таклифларини юборишлари керак.

Ҳукумат маърузасида нон тўғрисидаги, шу йилнинг ўрталаридан бошлаб ана шу энг муҳим маҳсулот нархини ошириш зарурати тўғрисидаги масала алоҳида таъкидланган. Биз буни халқ тушунади, деб умид қиламиз. Рўй-рост айтадиган бўлсам, бу тадбир аслида мамлакатимиз фуқароларининг таклифларига кўра амалга оширилмоқда. Одамлар бир неча йилдан буён ана шу масалани ўртага қўйишаётган эди. Чунки нон шу қадар арзонки, қора терга тушиб, ғалла етиштираётганимизга яраша эмас. Одамлар мактабларда нонни худди коптокдек тепишаётганини кўриб туришибди. Нон ахлат қутиларга тушиб кетмоқда.

Барча умумий овқатланиш корхоналаримизда нон нес-нобуд қилинмоқда. Ахлатхоналарда қотган-кутган нон бурдалари тўлиб-тошиб ётибди. Нонни сотиб олиб молга беришмоқда. Ҳолбуки, биз ҳозир мамлакатимизда етиштирилганига қўшимча тарзда хориждан барқарор валютага дон сотиб олиб, мамлакатимизга ташиб келмоқдамиз. Наҳотки шундай қилиш мумкин бўлса. Ахир, бу деҳқонни, ҳаммамизни ҳақорат қилиш-ку.

Жаҳондаги биронта ҳам мамлакатда нон шунчалик оёқости бўлмаяпти. Америка ва Канадада кўплаб ғалла етиштириб, уни жаҳон бозорида сотишаётган бўлса ҳам, аммо ҳар қалай бир килограмм нон икки доллар туради. Бизда эса нон бир неча тийин туради. Уёғини ўзингиз таққослаб олаверинг. Айни вақтда бу ўринда биз халқнинг турмуш шароитига дахлдор соҳада бирор бир талафотга йўл қўймасдан ҳаракат қилишимиз зарур. Биз, мабодо нонга бўладиган харажатлар кўпайгудек бўлса, бунинг ўрнини батамом қоплаш тарафдоримиз, айни вақтда аҳолининг турли тоифаларини назарда тутиб, нон истеъмол қилишнинг амалдаги ҳажмларини ҳисобга оламиз.

Мен яна бир масала хусусида тўхталмоқчи эдим: ихтиёримиздаги нон маҳсулотлари ресурслари нон маҳсулотлари таъминотини зарур даражада сақлаб туриш имконини беради. Азиз ўртоқлар, сизга мурожаат қилиб шуни айтмоқчиманки, ваҳимага тушмаслик керак. Келинг, бунга хушёрлик билан реал назар ташлайлик.

Ҳамонки, баъзи жойларда ана шундай кайфият пайдо бўлган экан, давлат идоралари ҳам, жамоатчилик ҳам вазиятни ўз назоратига олиши лозим бўлар.

Яна бир масала бор. Ҳозир олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Иқтисодиётимизни қайта қуришнинг ҳозирги масъулиятли босқичида бир-биримизни яхши тушунишимиз жуда муҳимдир. Ҳар бир коллектив, ҳар бир киши ўз иш жойида гражданлик бурчини ҳис этиб ишлаши учун барча ишларни қилиш лозим.

Ҳозир ҳар хил шартли талаблар қўйилишига, гиж-гижлашга ҳамда масъулиятсизлик билан қилинаётган даъватларга йўл қўйиб бўлмайди, албатта. Бу барча ишга путур етказиши, ўнглаб бўлмайдиган зарар келтириши мумкин. Жамиятни, халқ манфаатларини кўзламай,аксинча ўз нафсониятини ўйлаётган кишиларни тийиб қўйиш керак.

Ҳозир биз ўзаро ишончга ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳтожмиз. Мен сизларни, азиз ўртоқлар, жипслашишга, биргаликда кучғайрат сарфлашга, бозор иқтисодиётига ўтишнинг машаққатсизроқ йўлларини қидиришга даъват этаман, дарҳақиқат, биз ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни, халқ турмушини яхшилашни, умуман, қайта қуришимиз, яъни бизнинг янги инқилобимизнинг муваффақиятини бозор иқтисодиёти билан боғламоқдамиз.

Диққат-эътиборингиз учун раҳмат.

Хайр.

БАХМАЛНИ ҚАНДАЙ БЎЯШ МУМКИН

Самарқанд ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ацетат газламаларни ва бахмални ҳозир расм бўлган тимқора рангга бўяшнинг янги усули топилди.

Корхонага шундай бўёқни етказиб бериш тўхтатиб қўйилганидан кейин муаммо пайдо бўлди — у Ватанимиз корхоналарида ишлаб чиқаришдан олиб ташланган, ўрнига ишлатиладиганларидан эса керакли ранг чиқмасди. Рационализаторлар Т. Абликеева, Л. Зайниева ва О. Котлунинаолар анча-мунча тажрибалар ўтказиб, ниҳоят муваффақиятга эришдилар. Уларнинг саъйи-ҳаракатлари натижасида стандарт талабларига тўла мос келадиган ранг топилди. Янги технология корхонага 33 минг сўмдан зиёд пулни тежаб қолиш имконини беради.

(

ТУЙҒУЛАР ПОКЛИГИ

Невараси ойнаижаҳон мурватини «чирқ» этиб ўчиргандан сўнггина Абдумўмин ота тўшагига аста ёнбошлади. Ҳозиргина томоша қилган кўрсатувдаги воқеа ҳамон хаёлидан кетмасди: наҳотки умид билан бир ёстиққа бош қўйган ҳалол-пок аёлини, фарзандларининг онасини ишга яроқсиз, ногирон бўлиб қолганда тақдир ҳукмига ташлаб қўйса. Ундан хабар олмаса, фарзандларини ҳам ўз онасини бориб кўришларига истак билдирмаса... Бу номардлик, пасткашлик дейилмайдими? Бу ҳол инсон тушунчасига ёт эмасми?

Афсуски, ҳаётимизда шунақа одамлар бор. Уларни ер қандай кўтариб юрганига ҳайронсан, киши. Биз эркаклар аксари ҳолларда аёлларга фидойилик, садоқат, меҳр-шафқат каби инсоний хислатларнинг қадрига етмаймиз. Ҳа, афсуски уларнинг меҳрига меҳр, садоқатига садоқат билан жавоб бермаймиз..

Унинг кўнглидан ана шундай фикр-у ўйлар ўтар экан, беихтиёр ўзининг ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирган мудҳиш воқеани эслади...

...1944 йилнинг 1 апрели... Душман билан шиддатли жангда бошига мина парчаси тегиб қаттиқ яраланди.

Шундан кейин Киров области госпиталида саккиз ой мобайнида уч марта операция столига ётди. Ва, ниҳоят, уйга кетишга рухсат этилди. Уни уйигача кузатиб қўйиш учун икки жангчи — туркманистонлик Раҳмонов (унинг бир кўзи кўр бўлиб қолганди) ҳамда ленинободлик Рўзиев (ўнг оёғидан ажралган эди) юборилди. Йўлда келяпти-ку гапнинг очиғи, лоақал шу дўстлари каби бир кўз ёки бир оёғимдан ажралган бўлсам ҳам майли эди, деган ўй кўп маротаба хаёлидан ўтди. Чунки унинг оёқ-қўллари ишламас, боши ҳам дардчил эди... Шу алпозда ота-онасига, келинлик либосида кузатиб қолган умр йўлдошига малол келмасмикин? Бошидаги жароҳат изларини ҳали битмаган, унинг оғриқларидан ҳам дил азоби кўпроқ қийнарди...

Дўстлари уни уйига элтиб қўйишди. Абдумўминни оғаинилари, ёр-биродарлари ҳурсандчилик билан қарши олишди.

— Тирик қолганингга минг қатла шукур қил, болам, — дея онаси парвона эди ўғли атрофида. Лекин нариги уйда уларнинг пичир-пичир сўзлари-ю, пиқир-пиқир йиғлашлари эшитиларди. Рост-да шундай забардаст, тоғни урса талқон қиладиган азамат йигит шу аҳволга тушиб қолади-ку, урушни, фашистни қарғамай бўладими?!

Абдумўмин учун умр йўлдоши билан учрашув ҳаммасидан оғир эди. Нима дейди, қандай қарши олади? Маҳмураси Абдумўминини тирик қолганига шукроналик, кўзида халқа-халқа севинч ёшлари билан кутиб олди. Ана шу муҳаббат, вафо чашмаларидан бир ўғил, тўрт қиз кўришди...

Абдумўмин ота Саъдуллаев ҳозирги кунда одамлар орасида меҳр-муҳаббатнинг ноёблашиб бораётганлигидан изтироб чекади. Узоқ-яқин қариндошлар, ҳатто ака-укалар бир-бирлари билан учрашганда анчадан буён кўришмаганликларига юмушларининг кўплигини, тирикчиликни пеш қилишади. Лекин одамлар уруш вақтларида ҳам кеча-кундуз тиним билмай ишлаганларида, бир бурда нонни не машаққатлар билан топишганда ҳам одамийлик, меҳр-оқибатни тарк этишмаганди-ку! Нималар бўляпти ўзи? Лекин у шуни яхши биладики, ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Ажойиб анъаналаримиз бўлган оилапарварлик, одамлар орасидаги меҳр-шафқат, яхшилик куртакларини оиладан бошлаш, оилада камол топтириш лозим. Эрнинг хотинга, хотиннинг эрга бўлган самимияти, ёрдами, шафқати, жонкуярлигини кўриб ўсган, вояга етган фарзанд келажакда ўз ошиёнини ҳам ана шундай ҳароратда сақлашга, авайлашга одатланади.

Акмал Икромов район, Чагминий кўчасида истиқомат қилувчи Абдумўмин ота ва Маҳмура ая фарзандларининг бири инженер, бири ўқитувчи, яна бири мураббия, тикувчи... Набиралари эса уларга парвона. Чунки бува ва бувилари қариндош-уруғлари, қўшниларига ҳали-ҳануз ибрат кўрсатиб яшайдилар. Уларнинг бекор ўтирганини кўрмайсиз. Оила тутиш, уй юмушларида ҳам уларнинг саранжом-саришталиги сезилиб туради.

Эшигига «Бу уйда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси яшайди» деган ёзув битилган бу хонадон аҳли бошқалар қатори оддий бир оилага ўхшайди. Лекин Абдумўмин ота Саъдуллаевнинг кўксини безаб турган орден ва медалларини, Маҳмура аянинг меҳр тўла кўзлари, самимият барқ уриб турган чеҳрасини кўрган одам уларда аллақандай жозиба борлигини илғайди. Бу жозиба инсоний туйғуларнинг ниҳоятда поклиги ва самимийлигидан бўлса ажаб эмас.

М. ОБИДОВА.

Суратда: Абдумўмин ота умр йўлдоши Маҳмура ая билан.

З. ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ТОШКЕНТДА КАРПАТ ОҲАНГЛАРИ

Дилдан севиб айтилган ҳар бир қўшиқ, моҳирлик билан чалинган ёқимли куй ва ҳар бир рақс томошабин қалбини ўзига ром этмай, унга алоҳида ҳузур бағишламай, унинг зўр олқишига сазовор бўлмай қолмаган.

Мана ярим асрдирки, Қизил Байроқли Карпат олди ҳарбий округининг ашула ва рақс ансамбли ўзининг бой концерт программаси билан иттифоқимиздаги, шунингдек, чет эллардаги минглаб кишиларнинг эътиборини ана шу тарзда қозониб келяпти.

Куни-кеча ана шу машҳур ансамбль Тошкентга келди. Етмиш кишидан ташкил топган бу ҳарбий ижодий жамоа таркибида хизмат кўрсатган артистлар, маданият арбоблари, жумладан Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар Александр Громиш, Богдан Гливка, солистлардан Вячеслав Прокопенко, Василий Мирчук ва бошқа кўплаб таниқли санъаткорлар бор.

Ансамбль ўзининг ранг-баранг программасига эга. Ушбу программадан «Москва оқшомлари», «Вақт, Ватан, биз», «Карпат тоғлари ёнбағрларида», «Катюша», «Русча рақс», «Офицерлар марши» сингари куй ва қўшиқлар ўрин олган.

Карпатлик дўстларимиз жумҳуриятимизда бир неча кун бўладилар. Улар ҳарбий қисмлар, билим юртларида, меҳнаткашлар ҳузурида бой программада концертлар берадилар. (ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги

А. ҚОДИРИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

1990-91 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИГА: кутубхонашунослик ва библиография — ўқиш муддати 4 йил.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ФАКУЛЬТЕТИГА: ўқиш муддати 5 йил.

ҳаваскорлик халқ чолғу асбоблари оркестри ва ансамбллар, жумладан: миллий чолғулар жўрнавозлиги иштирокидаги ўзбек эстрада ансамбллари раҳбари (ўзбек — рус группалари);

ҳаваскорлик хор коллективи раҳбари (халқ анъанавий йўлида, ўзбек группаси);

клуб ишлари методист-ташкилотчиси (ўзбек группаси).

аҳоли дам олишини ташкил этиш ташкилочиси.

оммавий байрамларнинг режиссёр-ташкилотчиси (ўзбек группаси);

пуфлаб чалинадиган асбоблар, ҳаваскорлик оркестри раҳбари (ўзбек ва рус группаси);

ҳаваскорлик театри коллективи раҳбари (ўзбек группаси);

ҳаваскорлик халқ мусиқаси ансамбли раҳбари (ўзбек группаси) тайёрланади.

Олий ўқув юртига кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

КУТУБХОНАШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИГА:
она тили ва адабиёт (иншо);
СССР тарихи (оғзаки);
она тили ва адабиёт (оғзаки).

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ФАКУЛЬТЕТИГА:
танлаган мутахассисликлар (соҳа) бўйича;
она тили ва адабиёт (иншо), СССР тарихи (оғзаки).

Кутубхонашунослик факультетига киришни хоҳловчилар тўлиқ ўрта маълумотга ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари шарт.

Маданий-маърифий ишлар факультетига кирувчилар учун имтиҳон талаблари қуйидагича:

клуб иши методист-ташкилотчиси, аҳолининг дам олишини ташкил этиш ташкилотчиси, оммавий байрамлар режиссёр-ташкилотчиси мутахассисликларига кирувчилар имтиҳон пайтида клуб муассасаларида дам олишни уюштириш методикаси хусусида ўйин ташкил этиш, суҳбат уюштириш, афиша ёки таклиф билети эскизини тайёрлаш, байрам концерти программасини тузиш қобилиятини намоён этишлари лозим.

Ҳаваскорлик театри коллективи мутахассислигига кирувчилар драматургия, театр, рассомлик ва мусиқа соҳасида муайян билим ва ижодий қобилиятга эга бўлмоғи керак. Қабул комиссиясига драматик асарларнинг режиссёрлик таҳлилини ёзма тақдим этиш, имтиҳон пайтида шеър, бадиий асардан парча, монолог, масал ўқиш, этюд ижро этиш зарур.

ҳаваскорлик хор коллективи раҳбари мутахассислигига кирувчилар қўшиқ ижро эта олиш иқтидорига ва тегишли мусиқа маълумотига эга бўлиши лозим. Улардан қуйидаги тартибда имтиҳон олинади: программани ижро этиш (дирижёрлик қилиш ва қўшиқ айтиш), сольфеджио (оғзаки), фортепиано (2—3 асар ижроси).

Ҳаваскорлик халқ чолғу асбоблари оркестри ва ансамбллари (жумладан, миллий чолғулар жўрновозлиги иштирокида ўзбек эстрада ансамбллари) раҳбари, пуфлаб чалинадиган асбоблар ҳаваскорлик оркестри раҳбари, ҳаваскорлик халқ мусиқаси ансамбли раҳбари мутахассислигига кирувчилар мавжуд мусиқа асбобларидан бирини чала олиш қобилиятига, ҳамда мусиқа маълумотига эга бўлишлари лозим. Улар қуйидаги тартибда имтиҳон топширадилар: программани ижро этиш (дирижёрлик қилиш ва бирор бир чолғу асбоби чалиш), сольфеджио (оғзаки), фортепиано.

ҳаваскорлик халқ рақс ансамбли раҳбари бўлимга кирувчилар рақс тушишни билишлари, тегишли мусиқа қобилиятига эга бўлишлари ва рақс саҳналаштира олишдаги билимларини намойиш этишлари талаб қилинади.

Институтга кириш тўғрисидаги аризалар 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Консультациялар 5 июлдан 15 июлгача бўлиб ўтади.

Кириш имтиҳонлари 16 июлдан 5 августгача.

Ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асли), ўқув юртига кириш учун характеристика — йўлланма, соғлиғи тўғрисида справка (086/У), 6 дона фотосурат (3х4). меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Ўқишга кирувчилар паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманн, комсомол билетини шахсан кўрсатадилар.

Мурожаат учун манзилгоҳ: 700164, Тошкент шаҳри, Високовольтний мавзеси, III-сектор 127 «а» уй. Телефонлар: 62-03-23, 62-03-24, 62-38-33.

АХБОРОТ

Олти соатли иш куни

Ильич шаҳридаги тикувчилик фабрикасида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишади. Бу ерда олти соатли иш куни жорий этилганига ярим йил бўлди. Янгилик шарофати туфайли меҳнат унумдорлиги ортди. План топшириқлари муттасил ошириб бажариляпти. Олинаётган фойда кўпайди, тикувчиларнинг моддий-маданий шароитини яхшилаш имконияти туғилди.

Фабрика жамоаси 130 минг сўм маблағ сарфлаб, соғломлаштириш комплекси қуриб олди. Бу ерда меҳнат аҳли ўз саломатлигини тиклаши, ишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун барча қулайликлар яратилган. Жумладан, хотин-қизлар гигиена хонаси, тиш даволаш, физиотерапия кабинетлари, фин ҳаммоми бор. Комплексда етти нафар шифокор хизмат қилади, уларнинг ойлик маоши фабрика ҳисобидан тўланади.

Корхона ёрдамчи хўжалигида 5,8 сотих иссиқхона, 183 та уя асалари бўлиб, ишчи-хизматчиларга арзон нархда сабзавот маҳсулотлари ва асал етказиб берилмоқда.

Қисқа вақт ичида

Ленин шаҳрида қисқа вақт ичида барча қулайликларга эга бўлган тўрт қаватли поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги тиббиёт масканида тўртта врачлик кабинети, лабораториялар, ёрдамчи хоналар мавжуд. Бу ерда малакали врачлар хизмат кўрсатмоқдалар.

Поликлиника ходимлари, энг аввал, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишни ўз олдиларига муҳим вазифа қилиб қўйдилар. Айниқса, Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига ҳамда байналмилалчи жангчиларга хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қилинмоқда.

Бобур ҳайкали ўрнатилади

Андижон шаҳрида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳайкалини ўрнатиш учун жамоатчилик ҳаракати бошланди. Шу муносабат билан ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли маблағ тўпламоқда. Вилоят партия комитетининг нашриёти ходимлари биринчилардан бўлиб, ёдгорлик қуриш фондига уч минг сўм пул ўтказдилар.

Маълумки, Бобур юбилейини бутун жаҳонда кенг нишонлаш ҳақида ЮНЭСКОнинг махсус қарори бор.

Атлас фабрикаси

Андижон шаҳрининг Сойгузор бекати ёнида янги атлас фабрикаси қурилмоқда. У яқин орада ишга туширилади. Натижада 600 га яқин хотин-қиз иш билан таъминланади.

Фабрика қошида ишчилар учун маданий-маиший шароит яратиш мақсадида ҳаммом, икки юз хўрандага хизмат қиладиган ошхона, поликлиника ҳам бунёд этиляпти.

Уй боғчалари

Москва районидаги Фрунзе номли жамоа хўжалигида яшовчи Икромжон Қодиров ва унинг турмуш ўртоғи Муҳаббатхон болалар боғчаларида жой етишмаётганлигини ҳисобга олиб, ўз уйларида боғча очдилар. Уларнинг уйи 42-болалар боғчасига яқин, бўш хоналари эса кўп. Бунинг устига қизи Дилфузахон Ленин шаҳар педагогика билим юртини тамомлаб, тарбиячи мутахассислигини эгаллади.

Ҳозир уй боғчасида етти нафар кичкинтой тарбияланмоқда. 41-болалар боғчасининг ҳамшираси З. Кимсанова уй боғчасидаги болаларнинг саломатлигидан хабар олиб турибди.

Москва районида ташкил этилган уй боғчаларини янада кўпайтиришга қарор қилинди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Табиий офат оқибатлари тугатилмоқда

ҲАМДАРДЛАР

Калинин номли колхоз пенсионерлари кўклам селидан азият чеккан «Ленинград» колхозидаги оилаларга 300 сўм олиб келиб тарқатишди. Бу пуллар оқсоқоллар кенгашининг қарорига биноан йиғилган эди. Ҳар ким имкони борича пул ажратди. Уч юз сўм, албатта, унчалик кўп эмас, лекин ўзгалар бошига кулфат тушганида унга ҳамдард бўлиш, ёрдам беришга интилишдан кўра ҳам афзалроқ нарса борми?!

Ўзи билан сел олиб келган баҳор тошқинлари Бўстонлиқ районига анча зарар етказди. Масалан, «Новгород» совхозининг сут-товар фермаси бутунлай ювилиб кетди. Фақат жамоат мулкига зарар келтирилгани йўқ— якка тартибдаги уй-жойлар, хонадонлар ҳам анча жабрланди. Агар пулга чақиладиган бўлса, бу зарар қарийб саккиз миллион сўм ҳисобланади.

Ҳозир районда табиий офат туфайли вайрон бўлган иморатлар, иншоотларни тиклаш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда. Сут-товар фермаси янгидан қурилмоқда, сел оқимлари ювиб кетган боғлар ва токзорлар тикланмоқда, вилоят деҳқончилик-саноат бошқармаси подаларни тўлдириш учун 350 та бузоқ берди. Давлат банкининг маҳаллий бўлимида очилган махсус ҳисоб дафтарчасига шу кунгача ўттиз минг сўмдан кўпроқ пул тушди.

Район деҳқончилик-саноат бирлашмасининг бош директори К. Тожибоев шундай дейди:

— Биз табиий офатнинг барча оқибатларини йил охиригача тугатиш ниятидамиз. Асосан ўз кучларимизга орқа қиляпмиз. Бинобарин, вилоят ҳамда жумҳуриятимизнинг ёрдамисиз бу ишларни амалга оширишимиз қийин бўлади. Улар бизга ёрдам беряпти, лекин бу ёрдам янада самарали бўлишини хоҳлардик.

Бузилган ерларни, иморатлар, иншоотларни тиклаш, албатта, зарур иш. Лекин энг муҳими бундай офатнинг қайтарилиши мумкинлигини тўла истисно этишдир. Районда буни яхши тушуниб, чора-тадбирлар кўришмоқда. Сел оқиб ўтаётган тўртта канал қурилиши бошлаб юборилди. Улар тош аралаш ифлос оқимларнинг вайронагарчилик келтиришига йўл қўймаслиги керак. Маҳаллий Советлар қишлоқ аҳлини ер билан таъминлаш, якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш масалаларини ҳал этишмоқда.

Кейинги вақтда минг гектардан ортиқроқ ер шахсий фойдаланишга топширилди. Одамларга уруғлик, турли-туман кўчатлар берилмоқда.

Рўй берган офат аллақачоноқ етилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этишга туртки берди. Насос станцияларини таъмирлаш, қўшимча равишда бир ярим минг гектар ерни суғориш учун Бўстонлиқ ва Ўгом каналларини кенгайтириш ана шу масалалар жумласига киради. Қишлоқларни газлаштиришни давом эттириш мақсадида Челябинск вилоятининг саноат корхоналари билан амалий алоқалар йўлга қўйилди. Шимолликларга 600 минг сўмлик карам, узум, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериб, бўстонлиқликлар йигирма километрга яқин газ қувурларини оладилар.

Табиий офат кўпгина муаммоларни юзага чиқарди. Уларни зудлик билан ҳал этиш керак. Лекин ҳамма ишларни қилишга маҳаллий маъмурларнинг кучи етмайди, уларга юқори идоралар амалий ёрдам беришлари зарур. Бироқ ҳозир районда гапиришаётганидек, масалани ҳал этаман деб идорама-идора қатнайвериб ҳолдан тоясан, киши...

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЭҲМ зиммасига

Аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш Ангрен шаҳар марказида жорий этилган автоматлаштирилган бошқарув системаси меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолини номма-ном рўйхатга олишда, корхоналарда қанча бўш ўрин борлигини аниқлашда ёрдам беради. Бундан ташқари электрон-ҳисоблаш техникаси зиммасига уюшган тарзда қабул қилиниб, мамлакатимиз бошқа минтақаларига ишга кетаётган кишиларни назорат қилиш ва рўйхатга олиш ҳам юклатилади. Илгари ишни бир неча киши аранг уддалаган жойда энди ЭҲМ бўйича биргина мутахассис ишлаяпти, холос. (ЎзТАГ).

«Фотоконкурс—90»



ОЙДИН КЕЧА. В. Кавелин.

СПОРТ

МАЙДОН ЭГАЛАРИ ҒОЛИБ

Қаршида «Ўзбекбирлашув»га қарашли техникум ва билим юртлари студентларининг спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда Қарши, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Фарғона, Термиз ва Нукус кооператив техникумларининг студентлари бир неча кун давомида беллашдилар. Мусобақаларда 400 дан зиёд спортчи қатнашди.

Қарши кооператив техникумининг футбол командаси нукусликлар дарвозасига ўнта, андижонликлар дарвозасига еттита жавобсиз тўп киритиб, юксак натижага эришди. Финал учрашувда Самарқанд кооператив техникуми футболчилари билан беллашиб, 5:1 ҳисобида енгди. Шундай қилиб, қаршилик футболчилар биринчи ўринни эгаллашди.

800 метр, 1,5 ҳамда 5 километрли масофага югуришда ҳам Қарши кооператив техникумининг талабалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Иккинчи ўрин фарғоналик енгил атлетикачиларга, учинчи ўрин бухороликларга насиб этди.

Шунингдек, ўсмирлар ва қизлар ўртасида волейбол бўйича ўтказилган мусобақаларда Тошкент кооператив техникуми волейболчи қизларининг қўли устун келди. Ўсмирлар ўртасидаги мусобақада бухороликлар ғолиб чиқди. Улар тош кўтариш баҳсида ҳам ғолиблик шохсупасига кўтарилишди.

Умумкоманда ҳисобида Қарши кооператив техникуми биринчи, Бухоро ва Фарғона кооператив техникумларининг командалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар. Ғолибларга «Ўзбекбирлашув»нинг фахрий ёрлиқлари, дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

САРАЛАШ БАҲСИДА

Украина пойтахтида дзюдо кураши бўйича ўтказилган халқаро турнир Европа чемпионатига кучлиларни саралаш баҳсларидан бирига айланди. Мусобақада жумҳуриятимиз полвонлари муваффақиятли беллашишга ҳаракат қилишди. Чунончи, тошкентлик А. Герасимов халқаро турнирнинг мутлақ чемпиони сифатида ғолиблик супасига кўтарилди. Самарқандлик М. Васильев билан сурхондарёлик Р. Эргашев ҳал қилувчи курашда имкониятни бой бериб кумуш медалларни қўлга киритишди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги

РЕСПУБЛИКА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА МЕДИЦИНА ТЕХНИКУМИ

1990-1991 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: медицина ускуналарининг монтажи, ремонти ва уларга техник ёрдам кўрсатиш, тиш техниги, медицина оптикаси, ҳамшира иши.

КЕЧКИ БЎЛИМ: ҳамшира иши.

Ўқиш муддати медицина ускуналарининг монтажи, ремонти ва уларга техник хизмат кўрсатиш, медицина оптикаси — 2 йилу 10 ой; тиш техниги, ҳамшира иши — 1 йилу 10 ой; ҳамшира иши (кечки) 2 йилу 3 ой.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ:
Кундузги бўлимга — 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА;
Кечки бўлимга — 30 МАЙДАН — 15 СЕНТЯБРГАЧА;
Кириш имтиҳонлари 15 июлдан бошланади.
Кечки таълим бўйича имтиҳонлар бир неча даврада ўтказилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ: медицина ускуналарининг монтажи ва уларга техник хизмат кўрсатиш, медицина оптикаси — она тили ва адабиёт (иншо), математика (оғзаки), ҳамшира иши—она тили ва адабиёт (иншо), биология (оғзаки);

Тиш техниги — тиш модулини совундан ўйиш, ёки расм чизиш, она тили ва адабиёт (иншо), химия (ёзма).

Ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль, мақтов ёрлиқлари билан битирганлар суҳбат асосида техникумга қабул қилинадилар.

Тиш техниги бўлимига кираётганлар суҳбат ўтказиш ва мутахассислик бўйича кириш имтиҳони асосида қабул қилинадилар.

Кундузги ўқишга ҳар икки жинсдаги 30 ёшгача бўлган ўрта маълумотли, кечки ўқишга ёшидан қатъий назар қабул қилинади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, ўрта маълумот ҳақида аттестат, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см катталикдаги 4 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан нусха (кечки бўлим учун).

Паспорт ва ҳарбий билет (чақирилувчининг гувоҳномаси) **шахсан кўрсатилади.**

Медицина ускуналарининг монтажи, ремонти ва уларга техник хизмат кўрсатиш, медицина оптикаси бўлимларига Ўзбекистон вилоятларидан қабул қилинганларга ётоқхона берилади.

Техникум қўнимгоҳи: 700107, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 16-уй (20, 50, 54, 70, 182-автобуслар).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01336. № 122. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12